

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факултет: Сервис ва туризм

Кафедра: Халқаро туризм ва туризм сервиси

«Ҳимояга тавсия этилди»

Кафедра мудир, и.ф.д., проф.

И.С.Тухлиев _____

Баённома №11.13-июн 2018 й.

5610300 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)

**ТФТ-115 гуруҳ талабаси Хусенова Мехрангиз
Гайратовнанинг “Ўзбекистонда ёшлар туризмини
ривожлантириш истиқболлари (“SamISI Sayuoh
Plus” турфирмаси мисолида)” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий маслахатчи: и.ф.н.

Н.Е.Ибадуллаев

Илмий раҳбар: Phd. Д.З.Норкулова

САМАРҚАНД – 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факултет	Сервис ва туризм
Кафедра	Халқаро туризм ва туризм сервиси
Таълим йўналиши	5610300 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)

«КЕЛИШИЛДИ»

Кафедра мудирини, и.ф.д., проф.

И.С.Тухлиев _____

«__» _____ 2018 й.

Битирув малакавий иши (БМИ) бўйича

ТОПШИРИҚ ВАРАҚАСИ

Ижрочи: “5610300 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)” таълим йўналиши ТФТ-115 гуруҳ талабаси Хусенова Мехрангиз Гайратовна

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш истиқболлари (“Регал Палаке Самарқанд” меҳмонхонаси мисолида)”.

Битирув малакавий иш мавзуси ва раҳбари институт ректорининг 2017 йил 27-декабрдаги 183-Т сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишни тугатиш муддати 2019 йил 30 май

3. Битирув малакавий иши бўйича бирламчи маълумотлари ва талаблари (БМИ бажаришда зарур бўладиган қонунлар, адабиётлар манбаи, лаборатория-ишлаб чиқариш маълумотлари ва далиллари)

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2011

2. “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2000, 131-140 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 2016 – йил 2 – декабрдаги ПҚ – 2666 – сонли қарори. //“Lex.uz” .;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2016 – йил 2 – декабр ПҚ – 2666 – сонли қарори. //“Lex.uz”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ги 2017 – йил 7 – февралдаги ПФ – 4947 – сонли фармони. //“Lex.uz”.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг«Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низом 2017 – йил 6 – апрел, 189 – сонли қарор.// “Lex.uz”.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 – йил 3 – феврал ПФ – 5326 – сонли фармони. //“Lex.uz”.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 28-декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида» ги ПФ– 5290-сонли фармони. //“Lex.uz”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 – йил 6 – феврал ПҚ – 3509 – сонли қарори. //“Lex.uz”.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 – йил 6 – феврал ПҚ – 3510 – сонли қарори. //“Lex.uz”.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7-февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарори//“Lex.uz”.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3609-сонли қарори. //“Lex.uz”.

4. Битирув малакавий иш бажариладиган ишлар тартиби, кўриладиган масалалар, таркибий қисмлари, ҳисоблашлар натижалари ва амалий аҳамиятини тушунтириб берувчи таҳлил натижалари (мавзунинг долзарблиги, БМИ иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник, меҳнат муҳофазаси, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва х.к.)

5. График материаллари рўйхати (схемалар, жадваллар, диаграммалар ва х.к.)

6. БМИ бўйича маълумотлар тўплаш ҳамда тадқиқот ишлари олиб бориш манбалари ва жойлари (ўқув зали ва хоналари, илмий кутубхона, лаборатория, ташкилот, корхона, илмий ёки таълим муассасаси).

СамИСИ ахборот-ресурс маркази ва “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасининг кутубхона фондига тегишли бўлган туризмга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографияларнинг маълумотлари ва интернет сайтлари.

7. БМИни бажариш учун тавсия қилинадиган илмий, ўқув-услубий ва бошқа ахборот манбалари (дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар матни, монография, илмий мақолалар ва х.к.)

1. Амриддинова Р.С. Меҳнат ресурсларини бошқариш асосида туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти туризм корхоналари мисолида) /дис... и.ф.н. Самарқанд-2012.
2. Болтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2018 й.
3. Ҳайитбоев Р., Ҳайдаров С., Абдухамидов С., Даминов М., Хамитов М. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Ўқув кўланма. – С.: СамИСИ, 2016.-176б.
4. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитасининг “Основен показатели развития туризма и отдыха в республике Узбекистан в 2016 году” номли статистик бюллетени маълумотлари.
5. Тухлиев И.С, Қудратов Ғ.Ҳ., Туризм иқтисодиёти. –С.: СамИСИ., 2007.
6. Тухлиев И.С. ва бошқалар. “Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий – иқтисодий муаммолари” номли монография. Т.: “Иқтисодиёт” 2012.
7. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2014. – 389 б.
8. Беляков О.И. Семейный туризм как форма досуговой деятельности / О. И. Беляков, И. В. Мещерякова // Известия Пензенского пед. университета им. В.Г. Белинского, 2012. № 28.
9. Болотова М.И. Организация семейного досуга в образовательной среде учреждения дополнительного образования детей: учебное пособие / М. И. Болотова. Москва: компания Спутник+, 2015. 114 с.
10. Семейный туризм, особенности, организация и география семейного туризма [Электронный ресурс]
11. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006.
12. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2008.

8. БМИ бажаришда зарур бўлган маслаҳатлар ва топшириқлар рўйхати (ҳар бир бўлим бўйича олинадиган маслаҳатлар кўрсатилади).

Бўлимлар ва боблар номи	Маслаҳатчилар, илмий раҳбар (фамилияси, исми ва лавозими)	Топшириқни бажариш муддати	Топшириқни берди (имзо)	Топшириқни олди (имзо)
И.Боб. Оилавий туризмни ташкил этишнинг назарий асослари	Илмиймаслаҳатчи: проф. И.С.Тухлиев Илмий раҳбар: Д.З.Норкулова	Январ		
ИИ. Боб. Ўзбекистонда оилавий туризмни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	Илмиймаслаҳатчи: проф. И.С.Тухлиев Илмий раҳбар: Д.З.Норкулова	Феврал		
ИИИ.Боб. Ўзбекистонда оилавий туризмни ривожлантиришда жойлаштириш воситаларини кучайтириш йўллари (“Регал Палаке Самарқанд” меҳмонхонаси мисолида)	Илмиймаслаҳатчи: проф. И.С.Тухлиев Илмий раҳбар: Д.З.Норкулова	Март -Апрел		

9. БМИни тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси

№	Бажариладиган ишлар рўйхати	Ижро муддати	Тахминий хажми (бет)	Ишни бажарилганлиги хақида раҳбар имзоси	Изоҳ
1	БМИ мавзусини тасдиқлаш	Декабр			
2	Мавзу бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш (ёрдамчи мулоҳаза ва фикрлар)	Январ			
3	Масаланинг қўйилиши. Мавзунинг долзарблиги, ечилиши ёки ўрганилиши лозим бўлган масаланинг моҳиятини ва мақсадини ёритиб бериш (кириш қисми)	Феврал	2-5		
4	БМИ назарий қисмини тайёрлаш (1-боб)	Феврал	6-23		
5	БМИ таҳлилий натижаларини тайёрлаш (2-3 боблар) (Олиб борилган тажрибалар, тадқиқот ишлари, натижаларни таҳлил	Март-апрел	24-63		

	қилиш ва тортибга солиш – боб, бўлим ёки қисмлар бўйича ажратиш)				
6	Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти бўйича хулоса бериш ҳамда тадбиқ соҳалари ва ва усулларига оид таклифлар тайёрлаш	Май	64-69		
7	БМИ хوماки вариантнинг матнли қисмини тайёрлаш	Май			
8	Хаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қисмини тайёрлаш)	Май	52-58		
9	БМИни дастлабки ҳимояга тақдим қилиш	Май			
10	БМИни расмийлаштириш, унинг ҳимояси учун зарурий кўргазмали воситаларни (жадваллар, расмлар, графиклар, диаграмма, макет, стенд, ва ҳ.к.) тайёрлаш	Май			
11	БМИни тўлиқ тугатиб, тақризлар ва	Май	Презентация		

	раҳбар мулоҳазасини олиш учун тайёрлаш, ҳимояга чиқиш матни ва тақдимотини тайёрлаш		тайёрлаш		
12	БМИни ҳимоя қилиш	Июн			

БМИ бўйича маслаҳатчи (лар):

и.ф.н. Н.Е.Ибадуллаев

БМИ раҳбари

Д.З.Норкулова

Кафедра мудири

проф. И.С.Тухлиев

Топшириқни олдим _____

М.А.Хамдамова

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЛАБА-ЁШЛАР
ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (“SamISI Sayyoh Plus”
турфирмаси мисолида)**

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
I-БОБ. ЁШЛАР ТУРИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	22
1.1 Ёшлар туризми тушунчаси ва моҳияти	22
1.2 Ёшлар туризмини ташкил этишнинг методологик асослари ...	29
1.3 Ёшлар туризмини ташкил этишда халқаро ташкилотларнинг ўрни.....	29
II-БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ.....	47
2.1 Ўзбекистонда ёшлар туризмини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.....	47
2.2 Ўзбекистонда ёшлар туризмини ташкил этиш муаммолари.....	57
2.3 “SamISI Sayyoh Plus” туристик фирмасининг ёшлар туризмини ривожлантиришдаги ўрни	60
III-БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛЛАРИ...	65
3.1 Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш.....	65
3.2 Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантиришда таклиф ва тавсиялар	75
3.3 Ўзбекистонда ёшлар туризмини ташкил этишда хавфсизлик масалалари	80
Хулоса.....	86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	91

Кириш

Туризм бугунги кунда ўзига хос жиҳатлари билан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан ажралиб турмоқда. Бутун дунё ЯИМининг 10% и туризм ҳиссасига тўғри келади ва меҳнат бозорида ҳар 11 иш ўрнининг бири ҳам туризм соҳасига тегишлидир¹. Дунёни кўриш ва саёҳат қилишга қизиқувчилар, айниқса ёшлар сони эса кундан – кунга ортиб бормоқда.

Бугун дунё бўйича кўпгина мамлакатлар туризм соҳасини, айниқса ёшлар туризмини ривожлантиришга интилишмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти берган маълумотларга кўра, 2010 йилда 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган туристларнинг саёҳати умумий халқаро (940 миллион) туристларнинг 20% ини ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 23% га етди² ва БТТ (Бутунжаҳон туризм ташкилоти)нинг башоратига кўра, 2020 йилга қадар халқаро ёшларнинг саёҳати йилига 370 миллион кишига етади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини жадал ривожлантириш мақсадида бир қанча амалий чора – тадбирлар қатор норматив-ҳуқуқий асослар негзида амалга оширилмоқда. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида” ПФ-4861 сонли фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги “2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 450-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3217 сонли қарори;

¹ UNWTO Tourism highlights, 2017 Edition

²The power of youth travel and tourism, volume thirteen, 2016.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 сентябрдаги “Хорижий оммавий ахборот воситалари ва туризм соҳаси ташкилотлари учун Ўзбекистонда ахборот турларини ташкил этиш тўғрисида” 747-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 939-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5326 сонли фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3510 сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509 сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514 сонли қарори.

Юқорида қабул қилинган қарор ва фармонлар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди ва бу изчил равишда давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунда Республикамизда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури асосида ички туризмга катта эътибор қаратилмоқда. Дастур доирасида саёҳатчиларга, хусусан ёшларга бир қанча чегрмалар ва имтиёзлар тақдим этилди, транспорт ва жойлаштириш хизматларидаги чегрмалар шулар жумласидандир.

Юқорида айтилганларнинг барчаси ёшлар туризмини ривожлантиришнинг муҳимлигини англатади ва **мавзунинг долзарблигини** таъкидлайди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мамлакатимизда ва жаҳон миқёсидаги қатор олимлар томонидан ёшлар туризми ва унинг ривожланиши борасида изланишлар олиб борилган бўлиб, улар томонидан қатор илмий ишлар чоп эттирилган. Жумладан:

- Самарқанд иқтисодий ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервис” кафедраси тадқиқотчиси Д.З.Норқулованинг “Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертацияси;
- Самарқанд иқтисодий ва сервис институти “Касб таълими” кафедраси мустақил изланувчиси М.И.Ибрагимованинг “Ўзбекистонда таълим туризми хизматларини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги диссертацияси;
- Сочи туризм ва курорт давлат университети тадқиқотчиси Шус Денис Васильевичнинг “Социал туризмни ташкиллаштиришнинг иқтисодий-институтционал механизмлари” мавзусидаги диссертацияси³
- Болтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А.⁴ ишларида кўрилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантиришда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ривожлантириш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

1. Ёшлар туризми тушунчаси, турлари ва функцияларини ўрганиш.

³<https://www.rea.ru/ru/org/faculties/jurfak/Documents/PDF/08.00.pdf>(мурожат санаси 04.05.2018)

⁴Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. Darslik. – T.: “Fan va texnologiya”, 2018 y.; Norqulova D. “O‘zbekistonda sotsial turizm xizmatlarini rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish” mavzusidagi iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (doctor of philosophy) dissertatsiyasi. 2018 y.;

2. Ўзбекистонда ёшлар туризми бозорини ўрганиш.
3. Ёшлар туризмини ривожлантиришда хориж тажрибасини ўрганиш
4. Самарқанд вилоятида ёшлар туризмини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимларини таҳлил қилиш.

5. Ёшлар туризмини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида “SamISI Sayuoh Plus” турфирмаси туроператорлари ва ходимлари билан мулоҳазалар олиб бориш.

6. Ёшлар туризмини ривожлантириш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш.

Битирув малакавий ишининг ўрганиш объекти бўлиб Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган “SamISI Sayuoh Plus” турфирмаси фаолияти олинган.

Битирув малакавий ишининг предмети ёшлар туризмини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари тизимидани борат.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида берилган таклифлар амалий жиҳатдан Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий ва амалий ишларни амалга оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Битирув малакавий ишининг таркиби:

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 90 бет бўлиб, 2 та жадвал ва 30 та расмдан иборат.

I-БОБ. Ёшлар туризмнинг назарий ва методологик асослари.

1.1. Ёшлар туризми тушунчасива моҳияти

Бирлашган миллатлар ташкилотитасарруфидаги Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ВТТ) (UNWTO – Unites Nations World Tourism Organization) “туризм”ни “ўзининг яшаш жойидан йигирма тўрт соатдан кам бўлмаган ва бир йилдан ошмаган муддатда дам олиш, бизнес ва бошқа мақсадларда шахсларнинг саёҳат қилиши” дея таъриф берган.

Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисидаги қонуни”да “Турист – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс” деб таъриф берилган⁵.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти туристик бозорни демографик сегментлаштиришда шахсларни 5 гуруҳга бўлишни тавсия этади:

1-гуруҳ – 14 ёшгача бўлган болалар, улар одатда ота-оналари ҳамроҳлигида, улар томонидан қабул қилинган қарор асосида саёҳат қилишади. Кўпгина туристик хизматлар болалар учун чегирмалар асосида тақдим этилади. Чегирмалар миқдори болаларнинг ёшига қараб турлича бўлади:

- Бир ёшгача
- 1-5 ёшгача
- 5-11 ёшгача
- 12-14 ёшгача

2-гуруҳ – 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган шахслар – ёшлар. Болалардан фарқли равишта ёшлар ота-оналарисиз саёҳатларини амалга оширадilar. Саёҳатларни мустақил равишта ва анчагина чегараланган манбаалар асосида амалга оширишади.


⁵Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни//«Халқ сўзи» газетаси, 1999.

3-гурух – туристик бозорда ёшлар категориясига нисбатан анча иқтисодий фаол шахслар категорияси – 25 ёшдан 44 ёшгача бўлган шахслар.

4-гурух – ўрта ёшлилар категорияси бўлиб, 45 ёшдан 64 ёшгача бўлган шахсларни ўз ичига олади.

5-гурух – пенсионерлар гуруҳига мансуб бўлиб, 65 ёшдан юқори бўлган шахсларни ўз ичига олади.

Статистик мақсадларни амалга оширишда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) унга аъзо мамлакатлар томонидан қабул қилинган таърифлари инкор этмаган ҳолда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган шахсларни **ёшлар** сифатида қабул қилган. БМТ нинг бир неча ҳудудий ташкилот ва муассасалари ёшлар тушунчасига турлича категорияларни қабул қилишган. Мисол учун ЮНЕСКО /Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 10-19 ёш усмирлик⁶, ЮНЕСКО/бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда эса 18 ёшгача бўлган шахслар болалар деб қабул қилинган⁷. Африка ёшлар иттифоқи 15-35 ёшгача бўлган шахсларни ёшлар категорияси деб эътироф этган⁸.



1-расм. 1950-2060 йилларда 15-24 ёшдагилар сони (минтақалар бўйича)⁹

⁶<http://www.unfpa.org/emergencies/manual/8.htm>(Мурожат санаси: 29.04.2018)

⁷<http://www.unhabitat.org/pmss/listItemDetails.aspx?publicationID=3393>(Мурожат санаси: 29.04.2018)

⁸<http://www.africa-union.org/root/ua/conferences/mai/hrst charter%20english.pdf>(Мурожат санаси: 29.04.2018)

⁹<http://www.un.org/esa/socdev/documents/youth/fact-sheets/YouthPOP.pdf>(Мурожат санаси: 03.05.2018)

1995 йилда 15-24 ёшгача бўлган шахслар БМТ статистикасига кўра 1.03 миллиард ёки дунё аҳолисининг 18% ини ташкил этаган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1,2 миллиардга етди ва бу кўрсаткич 2030 йилда 7% га ўсиши ҳамда 1,3 миллиардга етиши кутилмоқда¹⁰.

Саёҳат қилувчи ёшлар сонининг тобора ортиб бориши ёшлар туризми турлари ва кўламининг ҳам кенгайишига олиб келади. Ёшлар туризми ўзининг бир неча жиҳатлари билан бошқа туризм турларидан фарқ қилади. Изланишлар шуни кўрсатадики, ёш туристлар қуйидаги мақадларда ўзларининг саёҳатларини амалга оширишади: турли хил маданиятлар билан танишиш, тил ўрганиш, валантёрлик, таълим ва бошқалар. Бундан ташқари улар маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзини ўрганишни ва турли одамлар билан учрашишни хоҳлашади. “Ёшлар туризми”га баъзи бир адабиётларда таснифлар бериб ўтилганига қарамай, ҳалигача умумий аниқ бир таъриф қабул қилинмаган. Бутунжаҳон ёш талабалар ва саёҳат таълими конфедерацияси (WYSE TC) “туризм” таърифига ота – оналари ёки назорат қилувчиларисиз ёшларнинг “мустақил саёҳати” тушунчасини киритди. Юқоридагиларнинг барчасини инобатга олган ҳолда БТТ “ёшлар туризми”га



қуйидагича таъриф беради: **“Ёшлар туризми бир йилдан узоқ бўлмаган муддатда 16-29 ёшгача бўлган шахсларнинг халқлар маданиятларни ўрганиш, ҳаётий тажрибага эга бўлиш ва билимларини ошириш каби**

¹⁰<http://www.un.org/esa/socdev/documents/youth/fact-sheets/YouthPOP.pdf>(Мурожат санаси: 29.04.2018)

барча мустақил саёҳатларини ўз ичига олади”. Бундан ташқари бир қатор олимлар “ёшлар туризми”га ўзларининг таърифларини бериб ўтишган (2-жадвал).

Кўпгина ёш туристлар ўзларининг саёҳатларини чегараланган бюджет асосида амалга оширадilar. Улар арзон турар жой, узок саёҳат қилиш имконияти ва маблағларини турли - туман хизматларга сарфлашни хошлашади. Бундан ташқари ёшлар туризми ўзгарувчан ходисаларга мойил бўлади. Ёшларнинг фикрича, энг ёддан чиқмас саёҳатлар – бу қутилмаган ва ўзлари фаол қатнашган турлардир.

Автор	Таъриф
WYSE Travel confederation	Ёшлар туризми ўзида 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган шахсларнинг дунёни буилишга ўрганишга, ҳаётий тажрибага эга бўлишга, бирор соҳада билимини оширишга қаратилган саёҳатлар мажмуасидир.
Биржаков М.Б.	"Ёшлик туризми" таърифи остида индивидуал ёки жамоавий шаклда дунёни билишга ва дам олиш ташкил этишга қаратилган ёшлар учун компаниялар томонидан ташкил этиладиган саёҳатнинг махсус тури ётади.
Туризм бўйича глоссарй	Туристлик фаолиятнинг аниқ тури бўлиб, ёшлар ва ўсмирларнинг ўзи яшаб турган ҳудуд чегарасида ҳамда минтақавий ва халқаро даражадаги саёҳатларидир.


1-жадвал. Ёшлар туризми тушунчасига таърифлар¹¹

Бутунжаҳон туризм ташкилоти берган маълумотларга кўра, 2010 йилда 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган туристларнинг саёҳати умумий халқаро (940 миллион) туристларнинг 20% ини ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу

¹¹<http://vestnik-rosnou.ru/sites/default/files/121.pdf>(Мурожат санаси: 29.03.2018)

кўрсаткич 23% га етди¹² ва БТТ нинг башратига кўра 2020 йилга қадар халқаро ёшларнинг саёҳати йилига 370 миллион кишига етади.

Бунунги кунда дунё миқёсида таълим олиш ёшларни саёҳатга ундовчи энг асосий омил (фактор) сифатида эътироф этилмоқда. 2014 йилда Еврокомиссия маълумотларига кўра Эрасмус дастури бўйича ёшлар энг кўп Испания, Германия ва Франция каби мамлакатларда саёҳатларини амалга оширишган. Ёшлар туризмининг ундовчи мотивациялари жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ўрганиш, янги одамлар билан учрашиш, карера, бошқа халқлар маданиятини урганиш, дунёқарашини кенгайтириш, ўқиш, таълим ва бошқалар. Халқаро даражада энг кўп ёшлар саёҳат қилувчи мамлакатга Испания биринчиликни эгаллаган бўлса, Австралия, Австрия, Луксенбург, Янги Зеландия, Швецария ва Буюк Британия етакчилардан ҳисобланади¹³. Англия, АҚШ ва Япония таълим олиш учун энг қиммат мамлакатлар ҳисобланади.




3-расм. Ёшлар туризмида глобал йўналишлар¹⁴

¹²The power of youth travel and tourism, volume thirteen, 2016.

¹³https://www.researchgate.net/profile/Faruk_Seyitoglu/publication/304251211_Youth_Tourism_Understanding_the_Youth_Travellers%27_Motivations/links/57c08f9e08aed246b0fb625a/Youth-Tourism-Understanding-the-Youth-Travellers-Motivations.pdf?origin=publication_detail (Мурожат санаси: 29.03.2018)

¹⁴<https://www.wysetc.org/2013/12/itb-world-travel-trends-report-youth-travel/> (Мурожат санаси: 29.03.2018)




4-расм. Дунё миқёсида халқаро талабалар (фоизларда) 2016 йил ¹⁵

Туризм соҳаси сўнги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида жадал ривожланмоқда. Кўпгина мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантириш орқали нафақат иқтисодий фойдага эришишни, балки ўзларининг миллий урф - одат ва анаъаналарини сақлаб қолиш, уни жаҳон ҳамжамиятига намоён этиш ва бу орқали ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантиришни кўзлашмоқда. Бу борада эса ёшлар туризми катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:


- ✓ Ёшларнинг ўзга халқларнинг урф-одат ва анъаналарини ўрганишга қизиқишлари катта бўлади. WYSE (travel confederation 2013) саёҳат конфедерациясининг изланишларига кўра саёҳат қилувчи ёшларнинг аксарият қисми ўрганиш&дам олиш мақсадида ўз саёҳатларини амалга оширишган. Бу улар учун нотаниш жойларни кашф қилиш, янги одамлар билан учрашиш ва уларнинг маданиятини ўрганишдан иборатдир (1-расм).

¹⁵https://www.wysetc.org/wp-content/uploads/2016/03/Global-Report_Power-of-Youth-Travel_2016.pdf(Мурожат санаси: 29.03.2018)



5-расм. 2013-йилда дунё бўйлаб саёҳат қилувчи ёшларнинг мақсади¹⁶.

- ✓ Ёшлар ўзга миллат ва эллатларни билиш орқали уларни уларни ҳурмат қилишни ўрганишади. Бу эса ўз навбатида келажакда давлатлар ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади;
- ✓ Ёшлар иқтисодий жиҳатдан чекланган бўлиб, саёҳатлари давомида улар кўпроқ иқтисод классдаги хизматлардан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Мисол учун ёшларнинг 65%и улар учун аталган (арзонроқ нархлардаги) хостеллардан фойдаланишади (2-расм). Транспорт воситаларидан эса узоқ масофалардагина ҳаво транспортларидан, асосан эса нисбатан арзонроқ бўлган автобус ва темир йўл воситаларидан фойдаланишади (3-расм).




6-расм.

Ёшларнинг меҳмонхона ва хостеллардан фойдаланиш динамикаси¹⁷

¹⁶WYSE Travel Confederation

2013 http://webbut.unitbv.ro/BU2015/Series%20V/BULETIN%20I%20PDF/13_Demeter_T.pdf (Мурожат санаси: 25.03.2018)

¹⁷ Vetrak ,2012; WYSE Travel Confederation 2013 www.wysetc.uz (мурожат санаси 04.05.2018)



7-расм. Ёшларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиши¹⁸

- ✓ Ёшлар бошқа туристлар категориясига караганда маҳаллий маҳсулотлар ва хизматларни кўпроқ харид қилишади. Бу эса ўз навбатида маҳаллий аҳоли даромадларини оширишига олиб келади.
- ✓ Ёшлар бошқа туристларга караганда ўзларининг саёҳатларига кўпроқ вақт ажратишади.
- ✓ Туристтик саёҳатлардан қониқиш ҳосил қилган ёшлар бу келажакдаги катта туристик патенциал ҳисобланади.
- ✓ Ёшлар янги ахборот технологияларига ўта мослашувчан эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, улар орасида саёҳат қилувчиларнинг 80%и маълумотларга интернет орқали эга бўлишади.
- ✓ Ёшлар саёҳатдан олган таасуротлари орқали саёҳат қилувчилар сонининг кўпайишига хизмат қилишади.

1.2. Ёшлар туризмини ташкил этишнинг методологик асослари

Ёшлар туризмини унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жуда кўп турларга бўлиш мумкин. Уларнинг энг асосийларига эса қуйидагилар киради: таълим туризми, волонтерлик, иш&саёҳат, маданий алмашинув, спорт ва саргузашт туризми ҳамда дам олиш (ҳордик) туризми.

Таълим туризми. Туристларнинг саёҳат қилиш мақсадлари кўлами кундан-кунга ошмоқда ва натижада туризмнинг янгидан-янги турлари

¹⁸ WYSE Travel Confederation 2013 http://webbut.unitbv.ro/BU2015/Series%20V/BULETIN%20I%20PDF/13_Demeter_T.pdf (Мурожат санаси: 29.03.2018)

бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Туризмнинг ўзига хос бўлган турларидан бири – бу “таълим туризми”дир.

Европа Иттифоқи ва АҚШ мамлакатларида таълим туризми ҳозирги замонавий таълимнинг асосий ажралмас қисми бўлиб, бу тушунча анъана тусига кирган. Хитойда эса бунинг тескариси. Чунки Хитойда таълим туризмнинг кириб келиши Ғарб давлатларига нисбатан анча кеч бошланган. Орқага назар ташлайдиган бўлсак дастлабки Хитойда 1989 йили биринчи таълим экскурсияси Конфедерация шаҳарчасида қилинган саёҳатдан бошланган ва бу саёҳатда кўплаб туристлар чет эл меҳмонлари бўлган. Шу даврдан бошлаб Хитойда таълим туризми жадаллик билан ўзининг кифоасини шакллантира бошлади.

Бундай юқори савияда ташкил этилган ўзаро тажриба алмаштириш, юқори кўникма ва тажрибага эга бўладиган таълим маршрутига Япониялик талабаларнинг қатнашиши, технологик маршрутлар, атроф муҳитни ҳимоялаш экскурсиясини ва бошқа кўплаб таълим йўналишидаги маршрутлар қўшимча қилсак муболаға бўлмайди.

Таълим туризми хизматлари натижасида эгалланган билимлар ва халқаро стандарт асосида таълим бериш лаёқати тўғрисида ҳужжат ёки гувоҳномага эга бўлиш таълим туризми хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи компаниялар учун миждозларнинг ишончини мустаҳкамлайди ҳамда келажакда юқори даромадларга эга бўлиш кафолатини беради.

Юқорида номлари зикр этилган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, таълим туризми хизматларини кўрсатишга ихтисослашган компанияларни уч гуруҳга ажратиш мумкин¹⁹, яъни:

Биринчи гуруҳга - дам олиш билан бир қаторда чет тилининг базавий курсларини ўргатишни тақлиф қилувчи фирмалар (масалан, «Буюук Британияда инглиз тили»);

¹⁹Ибрагимова М. ва бошқалар “ТАЪЛИМ ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ” ст.115 Актуальные научные исследования в современном мире // Сб. научных трудов - Переяслав-Хмельницкий, 2018. - Вып. 2(34), ч. 2 – 124 с.

Иккинчи гуруҳга - асосан тил ўргатишга ихтисослашган саёҳатларни таклиф қилувчи фирмалар (Language Travel Market мисолида). Бу фирмалар индивидуал ҳамда гуруҳий дастурларни таклиф қилади. Шу билан бирга Business Language, тил+хобби, академик мақсадлар учун тил ўрганиш каби таклифларни инъом этади. Фирмаларнинг кўпчилиги таклиф даражасини кўтарган ҳолда мактабларда, коллежларда, университетларга ўқишни ташкиллаштиради;

Учинчи гуруҳга - хорижда таълим олиш борасида маслаҳат берувчи компаниялар (масалан, Educational Consultancy) бўлиб, мижозларга мутахассислик ва касб-хунар борасида ўз мавқеларини юксалтиришга ёрдам беради. Бундай агентликлар сони чегараланган бўлиб, уларнинг таклифлари фақат юқори савиядаги харидорлар учун мўлжалланган. Яъни бу маслаҳатчилар мижознинг келажакдаги режасига мос равишда хорижда мавжуд таълим масканларни танлаш учун кўмаклашадилар.

Таълим олиш мақсадидаги илк саёҳатлар XVII – XVIII асрларда Гранд Тур (Grand Tour) давомида инглиз ёшлари томонидан амалга оширилган бўлиб, уларнинг мақсади дунёқарашларини кенгайтириш ҳамда санъат ва маданиятнинг классик намуналарини ўрганиш бўлиб, 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган²⁰. Бугунги кунда эса дунё ёшлари тил ўрганиш ва маданиятлар билан танишиш мақсадида саёҳат қилишмоқда.

Таълим туризми ўз навбатида яна бир неча турларни ўз ичига олади: экотуризм, маданий мерос туризми, қишлоқ/фермер туризми ва таълим муассасали ўртасидаги (educational exchange) талабалар алмашинуви дастури. Унинг мақсади таълим жараёнини ривожланириш, грантлар орқали илмий тажрибани бойитиш, кемпинглар, экскурсиялар, тил ўрганиш класслари, турли соҳалардаги (тиббиёт, туризм, менежмент ва ҳоказо) ва даражалардаги тренингларни ўз ичига олган туристик пакетлар яратишдир.

²⁰Redger, 1998.P 28.http://webbut.unitbv.ro/BU2015/Series%20V/BULETIN%20I%20PDF/13_Demeter_T.pdf

Турфирмалар томонидан таклиф этилаётган тил ўрганиш дастурлари орасидан Embassy CES (Буюк Британиянинг ёзги тил ўрганиш марказларида инглиз тилини ўрганиш) алоҳида ажралиб туради. Бу дастур тўлиқ пансион шароитида оилада яшаш, ёки коллежда иш кунлари овқатланишни таклиф қилиш шarti билан ётоқхона жойлашув, ҳафтада 20 соатлик ўқитиш, тур қийматиги суғурта, трансфер, визаларни киритмаган ҳолда ўқув материаллар ва ўқишдан ташқари кўнгил очар дастурларни таклиф қилади. Бу дастурнинг қатнашувчиларини ёши 8-11 ёшдан то 18-25 ёшгача бўлганларни ташкил этади.


Regent language training (Маргейт, Эдинбург, Оксфорд, Брайтон, Лондонда жойлашган марказлар бўлиб) дастури ёшларга мўлжалланган бўлиб, (16 ёшдан юқори) – оилада яшаш шarti билан, ўқиш жараёни тугагандан сўнг эса сертификат билан тақдирлашни назарда тутати²¹. Таълим туризмнинг аниқ бир таснифланиши қабул қилинмаган. Шунга қарамай уни кўйидагиларга бўлишимиз мумкин:

1. Ёшлар саёҳати – бу ўз ичига мактаб экскурсиялари, ёшлар алмашинуви, ёшлар ва ўсмирлар учун дизайн ва яратиш яъни тарихий, маданий ва таълим жойларга саёҳатлар ташкил этиш.
2. Туризм таълими – бу икки хил бўлиши мумкин: йиллик ўқув дастури ёки Халқаро алмашинув дастурлари. Organization for Economic Cooperation and Development (OECD) ташкилотининг маълумотларига кўра, сўнги йилларда ўзининг мамлакатидан чет элда Олий таълимда қатнашувчи талабалар сони бир неча марта ўсиб, ҳозирда 4.5 миллиондан ортиқдир

Волонтёрлик. Бу ёшларнинг маълум бир сабабларга кўра ташкиллаштирилган тарзда ихтиёрий ишлашларидир. Улар волонтёрлик давомида жамиятдаги баъзи бир гуруҳларидаги моддий қийинчиликни енгиллаштириш ва кўмаклашиш, атроф-муҳитни тиклаш шу билан бирга

²¹ИбрагимоваМ. ва бошқалар “ТАЪЛИМ ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ” ст.115 Актуальные научные исследования в современном мире // Сб. научных трудов - Переяслав-Хмельницкий, 2018. - Вып. 2(34), ч. 2 – 124 с.

туристик фаолиятда қатнашиш каби тадбирларда иштирок этишади. Волонтерлик туризми фаолияти ички ёки халқаро миқёсида амалга оширилиши мумкин. Улар ўз навбатида давомийлиги, дастур ва валантерлик ташкилотига кўра фарқланади.




8-расм.Халқаро ёшлар саёҳатларининг турлари²²

Британияда 73% ўсмирлар камида бир мартаба волонтерлик фаолиятида иштирок этишган²³. Иқтисодчиларнинг таҳлилига кўра бугунги кунда дунё миқёсида ҳар йили 971 миллион одам волонтерлик фаолиятида иштирок этадилар. WYSEtravelconfederation берган маълумотларга кўра, ёшлар туризмнинг 2% дан 5 % гача бўлган қисмини (5.4 млн - 10 миллионни) волонтерлик мақсадида саёҳат қилувчилар ташкил этади.

Иш&Саёҳат дастурлари. Туризмнинг бу тури саёҳат қилишга иштиёқи баланд бўлган ёшлар орасида айниқса кенг тарқалган. Дастур давомида иштирокчилар ёзги таътил (3 ойлик) давомида компаниялар томонидан ёлланишади. Бу давр мобайнида улар ҳам фойда олишади ҳам саёҳат қилиш, маҳаллий урф-одатлар билан танишиш, тил ўрганиш имкониятиларига эга бўлишади (6-расм).

²²http://cf.cdn.unwto.org/sites/all/files/pdf/3.3_s3_wtc_2016_-_david_chapman.pdf(Мурожат санаси: 29.03.2018)

²³Cohesion Research, "Citizenship Survey: 2007-08 (April 2007 – March 2008), Available<http://www.travelersphilanthropy.org/resources/TPhil%20Handbook/Chapter3.pdf> Accessed: 31-03-2014



9-расм. Иш&саёҳат туризмга қизиқиш сабаблари²⁴

Бундай дастурларда иштирок этувчи кўплаб ёшлар шу дастурда иштирок этган дўстлари&танишларидан олинган маълумотларга таянишади. Иш&саёҳат дастурининг ўртача давомийлиги 6 ойни ташкил этади. БудастурилкмаротабаАҚШдаташкилэтилганбўлиб, кейинчалик Австралия, Канада, Греция, Испания, Франция, БуюкБританиявабошқадавлатлардаҳамтарқалди.

Маданий алмашинув. Бу турли мамлакатлар ўртасида кишиларнинг алмашинуви, айниқса талабалар, санъаткорлар, атлетиклар ҳамда турли хил касб эгалари ўртасида кенг тарқалган. Бу дастур ҳам мамлакатда ҳам халқаро миқёсида хилма-хилликни чуқурроқ тушунишга имконият беради. Бундан ташқари иштирокчилар бошқача инсонлар билан ўзаро муносабатда бўладилар ва фикр алмашадилар. Маданий алмашинувда бошқалар билан ижобий муносабатни шакллантиришни ўрганадилар, дунёқарашни кенгайтиришади ва кўпмаданиятли жамиятда зарур бўладиган билим ва тажрибаларга эга бўлишади. Ёшлар маданий алмашинув иккинчи жаҳон урушидан сўнг келажакдаги келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни олдини олиш мақсадида ривожлана бошлади²⁵. Ўзбекистонда туризмни бу тури бўйича саёҳат қилувчи ёшлар кўлами нисбатан кўпроқ

²⁴ http://cf.cdn.unwto.org/sites/all/files/pdf/3.3_s3_wtc_2016_-_david_chapman.pdf (Мурожат санаси: 29.03.2018)

²⁵ Moisă, C. *Aspects of the youth travel demand*. In: *Annales Universitatis Apulensis - Series Oeconomica*, 2010, 12(2), 575.

ҳисобланади. Ёшларнинг гастрол сафарлари, кўрғазмаларда иштирок этиш каби турли хил маданий дастурлар шулар жумласидандир.

Спорт туризми Спорт ва жисмоний фаолият дам олишнинг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади. Спорт туризми – бу ўзининг доимий яшаш жойидан ташқарида спорт тадбирларида иштирок этиш ёки кузатиш мақсадида амалга оширилган саёҳат тури ҳисобланади. Бу туризм тури саёҳат индустриясининг тезлик билан ривожланаётган турларидан бири ҳисобланади. Спорт туризмига нисбатан яқин бўлган туризм тури – бу саргузашт туризми ҳисобланади. Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга мунтазам равишта эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўзбекистонлик ёшларнинг халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиши ва айти дамба кўплаб халқаро мусобақаларнинг мамлакатимизда ташкил этилиши нафақат спорт усталарини балки спорт ихлосмандларини ҳам ўзига жалб этади. Бугунги кунда республикамиз бўйлаб турли хил велотуризм дастурларининг амалга оширилиши ёшлар туризми учун катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Экстремал туризм– бу туризмнинг шундай тури бўлиб, бунда саёҳатларнинг барчаси янги таасуротлар ва ҳиссиётлар олиш, жисмоний соғломлаштириш ва қандайдир натижаларга эришиш мақсадида табиат кўйнида интензив (фаол) дам олишдир. Европада туризмнинг бу тури 1980 йилларнинг охирида тез суръатларда ва оммавий тарзда ривожлана бошлади. Экстремал туризм – дам олиш ва саёҳат соҳасида истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Экстремал туризмнинг турларини 4 гуруҳга ажратишимиз мумкин. 2013 йилда бу тур бўйича саёҳат қилувчи ёшлар харажатлари ўртача 4 000 еврони ташкил этиб, бошқа саёҳат турларидан 1 500 еврога кўпдир. Ёшлар энг кўп саёҳатларни қуйидаги мамлакатлар бўйлаб амалга оширишган: АҚШ, Канада, Австралия, Франция, Буюк Британия, Янги Зеландия, Италия, Испания, Тайланд ва Аргентина²⁶.

²⁶<https://skift.com/wp-content/uploads/2014/11/unwto-global-report-on-adventure-tourism.pdf> (Мурожат санаси: 29.03.2018)



10-расм. Экстремал туризм классификацияси

1.3. Ёшлар туризмини ташкил этишда халқаро ташкилотларнинг ўрни

Жаҳон миқёсида туризм ва айниқса ёшлар ва талабалар саёҳатларини ташкил этувчи турли хил ассоциация ва профессионал ташкилотлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ёшларнинг саёҳат мақсадлари ва кўлами кенгдир. Бу ташкилотлар ёшларнинг саёҳатларини ҳар томонлама қулай, хавфсиз ва қониқарли даражада ташкил этишга хизмат қилмоқда. Ёшлар ташкилотлари илк мартаба Францияда 1944-йилда ташкил этилган бўлиб, “Ёшлар учун лагерлар ва фаолиятлари ҳамда таълим бирлашмаларининг марказий ташкилоти” (The organization for Camps and Activities for Youth and the Federation) номи сифатида ўз фаолиятини бошлаган. 1950-йилда La Federation Unie des Auberges de Jeunesse (FUAJ) ва 1963 йилда Union des Centres Sportifs et de Plein Air (L’UCPA) каби ташкилотлар ўз фаолиятини олиб боришган.

Социал туризмнинг кўлами бутун дунё миқёсида глобал даражада ривожлана бошлангани сабаб, 1963 йилда **Халқаро социал туризм бюроси BITS** (International Bureau of Social Tourism)ни ташкил этишга қарор қилинди. Бу ташкилотнинг мақсади социал туризмни халқаро даражада ривожлантириш ва кўллаб қувватлашдир. BITS нинг ички тузилмасига кўра унинг аъзолари уч категориядан иборат:

- Фаол аъзолар – ўн кишигача аъзолар бўлиб, улар бюронинг умумий ассамблеясини ташкил этади. Улар юридик ёки жисмоний шахслар бўлиб, ўзларининг фаолиятини социал туризмда олиб боришади ва инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси томонидан белгилаб қўйилган шахс эркинлигига ҳамда Монреал декларациясининг моҳиятига риоя қилишади (BITS 1996).
- Жамоатчилик ҳуқуқининг шарафли аъзолари – социал туризмда жамоатчилик хизматларини ташкиллаштиришни назорат қилувчи ва жамоатчилик кучининг ваколати, давлат ёки минтақанинг расмий вакили бўлган шахслар.
- Фахрий аъзолари – ташкилотнинг шу номга арзийдиган барча жисмоний шахслар ушбу ном билан тақдирланиши мумкин.

2010-йилда BITSнинг номи OITS (Organization International Social Tourism) “Халқаро социал туризм ташкилоти”га ўзгартирилди ва унинг фаолият даражаси янада кенгайтирилди. OITSнинг фаолият кўрсатувчи аъзолари: умумий ассамблея – камида икки йилда бир маротаба йиғилиш ўтказди; директорлар кенгаши; Президент, вице-президент ва хазинабондан ташкил топган Ижроия кўмитаси, директорлар кенгашнинг ижрочи идораси ва Брюсселдаги Умумий секретариат бош шатби. OITSнинг халқаро даражадаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида минтақавий бўлимлар ташкил этилган бўлиб, ўзларининг низомига асосан, халқаро социал туризм

ассоциациясининг аниқ мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда фаолият олиб борадилар.

1. Халқаро талабалар саёҳати конфедерацияси (I.S.T.C. - International Student Travel Confederation) – 1949-йилда ташкил этилган халқаро ташкилот бўлиб, 110 мамлакатдан 5000 дан ортиқ офисларига эга. Ташкилотнинг мақсади - талабалар саёҳат офиси билан бошқа ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш ҳамда ташкилотнинг офислари мавжуд бўлмаган давлатларда уни йўлга қўйиш. Бутун дунё бўйлаб 60 дан ортиқ ташкилотлар бу конфедерациянинг аъзоси ҳисобланади. Мисолучун ISSA (International Student Surface Travel Association), ISIC (International Student Identity Card), IASIS (International Association for Students Insurance Services) ва бошқалар.

2. Халқаро талабалар оромгоҳларлари ассоциацияси (I.A.S.C. International Association of Student Camps) 1957-йилда ташкил этилган бўлиб, талабалар ва миллий ассоциацияларни қўллаб қувватлаб, улар ўртасида алоқаларни ўрнатишни мақсад қилган. Унинг аъзолари бутун дунё бўйича миллий ассоциациялар ҳисобланади.

3. Халқаро мактаб оромгоҳлари директорлари ассоциацияси (I.A.S.C.D. - Internatioanla Association of school Camps Directors) 1955-йилда “Европа мактаблари оромгоҳи директорлари ассоциацияси” номи остида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги номи 1980-йилда қабул қилинган. Бу ассоциация аъзолар ўртасида кучли алоқаларни ривожлантиришни, ғоялар ва тажрибалар алмаштиришни ҳамда аъзоларнинг профессионал фаолияти ҳақидаги маълумотларга эга бўлишни ўз олдига мақсад қилган. Унинг аъзолари бўлиб бутун дунё бўйлаб оромгоҳлар директорлари ҳисобланади.


4. Халқаро ёшлар саёҳати ташкилоти федерацияси (F.I.Y.T.O. - ederation of International Youth Travel Organization) Дания, Италия, Германия ва Франция мамлакатларидан тўққиз Йёвропа ташкилотлари томонидан 1950-йилда Францияда ташкил этилган. Ҳозирда федерация

Европа ҳамда бутун дунё бўйлаб 70 мамлакатлардан 450 ташкилотларни ўз ичига олади. Федерациянинг бош мақсади тинчликни таъминлаш ва ёшларнинг саёҳатини чуқурроқ тушуниш.

5. Иқтисодиёт ва савдо соҳасида талабалар халқаро ассоциацияси (A.I.E.S.E.C. - International Association of Students in Economic and Commercial Science) 1984-йилда ташкил этилган энг катта мустақил, нотижорат халқаро талабалар ассоциацияси. Ассоциация 100 мамлакатдан 800 университетларни қамраб олган. У ҳар йили 5 000 дан ортиқ талабаларга Алмашинув дастурларини ҳамда яқин орада тугатганларга бошқа мамлакатда ишлаш ва яшаб кўришни таклиф этади.

6. Ёшлар талабалар ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси (A.S.Y.S.T. - Association for the support of Youth Students and Teachers) нодавлат ва нотижорат ташкилот бўлиб, WYSE TC ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. У ёшлар, талабалар ва ўқитувчилар қизиққан ва хоҳлаган хизматларини самарали даражада фойдаланиш имкониятларини яратишда тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлайди. Ассоциация 113 мамлакатларда мавжуд бўлган транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш, ахборот ва маданият хизмати каби халқаро маҳсулотлардан талабалар томонидан ISTC картаси орқали фойдаланишни таъминлайди.

Ёшлар туризминининг мажмуали хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, бу ташкилотлар бутун дунёда ёшлар саёҳатини ташкил этишда муҳим ҳисобланади. Мана шу ташкилотларнинг янада самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг дунёнинг барча мамлакатларига кенгроқ кириб боришини ҳамда уларнинг тақдим этилаётган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга



11-расм. Халқаро талабалар саёҳати конфедерацияси таркиби.²⁷

7. Халқаро талабалар саёҳати конфедерацияси (ISTC) ташкилоти 1949 йилда Нидерландияда талабалар саёҳатини мувофиқлаштириш мақсадида талабалар бирлашмаси томонидан ташкил этилган. Халқаро талабалар саёҳати конфедерацияси (ISTC) ва Халқаро ёшлар саёҳати ташкилотлари федерацияси (FIYTO) ҳозирги кунда бирлаштирилиб the World Youth Student and Educational (WYSE) Travel Confederation ташкил этилди.

7.1. International Student Surface Travel Association

ISSTA 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, талабалар ва ёшлар учун махсус саёҳатларини енгиллаштиришни ўз олдига мақсад қилган. ISSTA орқали бутун дунё бўйлаб турли агентликлар ва ташкилотлар яъни темирўл, авто, туристик автобуслар ва шаҳар транспортида саёҳат қилиш имкониятларини ривожлантириш ва ўрганиш каби вазифаларни амалга оширишда ҳамкорликни амалга оширади. Бу ташкилот ISIC ассоциацияси билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради.

7.2. International Student Identity Card Association

Халқаро талабалар картаси ассоциацияси ноижорат ташкилот бўлиб, 1953-йилда ташкил этилган. Ҳозирда 130 дан ортиқ мамлакатлардан талабаларни қамраб олган. ISIC картасини миллати, дини, жинси ва ирқидан

²⁷www.isic.com(Мурожат санаси: 29.03.2018)

катъий назар 12 ёшдан катта бўлган барча ҳақиқий талабалар харид қилиши мумкин. Мана шу биргина карта орқали ISIC талабалари маҳсулотлар, хизматлар ва талабалар ҳаёти билан боғлиқ жараёнларда 150 мингдан ортиқ – дастурлар лицензияси ва кино чипталаридан тортиб, китоб дўконлари, жамоа транспортлари, кафелар ва овқатлантириш корхоналарида турли имтиёз ва чегирмаларни қўлга киритишлари мумкин. Бундан ташқари карта эгалари бутун дунё бўйлаб турли жойларда уни шахсни тадиқловчи хужжат сифатида ҳам ишлатишлари мумкин. ISIC картаси бир йил муддатга берилади. Бунинг учун онлайн тарзда ариза бериш ва унинг офисларидан олиш мумкин. Карта эгаларига кенг миқёсидаги имкониятларини тақдим этиш орқали, ИСИК ассоциацияси бутун дуно бўйлаб маданиятлараро ўзаро тушуниш, таълим имкониятларини ошириш ва талабалар ҳаётига қўмаклашишда амалий аҳамиятга эга бўлишни мақсад қилган. ISIC картаси БМТ нинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКО томонидан 1968-йилдан буён тасиқланган бўлиб, университетлар, институтлар, талабалар ассоциациялари, ҳукуматлар, молия институтлари ва таълим вазирликлари томонидан тан олинган. Бундай карточкаларнинг аъзо бўлган шахсларнинг ёши ва фаолиятидан келиб чиққан ҳолда 3 тури мавжуд²⁸(8-расм).

ISIC картаси Нидерландия, Амстердамдаги ISIC ассоциацияси офиси орқали бошқарилади. ISIC картаси 1953-йилда биринчи мартаба яратилган ва унинг дизайни Норвегия ва Дутч талабалар бирлашмаси томонидан яратилган. Дастлаб, ISIC картаси ҳаво йўлларида талабаларга чегирмалар тақдим этиш мақсадида яратилган. 2013-йилда ISICнинг 60 йиллиги нишонланди.

IYTC (Халқаро ёшлар саёҳати картаси) картаси талаба бўлмаган, 30 ёшгача бўлган ёшлар учун мўлжалланган. ITIC (Халқаро ўқитувчи картаси) (тўлиқ ставка) ўқитувчи ёки профессорлар учун мўлжалланган. ITIC 16 ой муддатгача берилиши мумкин. 1 сентябр ёки 1 декабрдан бошланиб,

²⁸<https://www.isic.org/cards/>(Мурожат санаси: 29.03.2018)

мамлакатнинг ўқув йили муддатига боғлиқ бўлади. 3 хил карталарнинг тақдим этадиган имконият ва чегирмалари бир хил. Картанинг нархи талабанинг давлатидан келиб чиққан ҳолда 4-25 АҚШ долларигача бўлади. Агар мамлакатда ISIC офиси бўлмаса, унда ташриф буюрмоқчи бўлган мамлакатдан олиш мумкин. Карта эгалари смартфонлар орқали ISIC App дан карта тақдим этадиган имконият ва чегирмалардан хабардор бўлишлари мумкин. ISIC App қуйидаги мамлакатларни қамраб олган:


Арманистон, Австралия, Австрия, Беларус, Бенин, Канада, Хитой, Колумбия, Кипр, Эквадор, Эстония, Финландия, Гамбия, Греция, Исландия, Ҳиндистон, Ирландия, Исроил, Италия, Ямайка, Латвия, Македония, Мексика, Монголия, Нидерландия, Янги Зеландия, Нарвегия, Панама, Парагвай, Перу, Полша, Португалия, Сербия, Сингапур, Словакия, Словения, Жанубий Корея, Испания, Швеция, Танзания, Таиланд, Бирлашган араб амирлиги, Буюк Британия, Уругвай, Венесуэла, Яман.



SIC For full-time students



IYTC For anyone 30 years old or younger



ITIC For fulltime teachers and professors

12-расм. Саёҳат карточкаларининг турлари

7.3. Талабалар ҳаво транспорти ассоциацияси (Student Air Travel Association)

SATA халқаро ташкилоти ёшларга самарали ва фойдали саёҳатни таъминлаб берувчи талабалар саёҳати агентлиги ҳисобланади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳаво транспорти хизматида ёшлар талабларини

кондирадиган бу ташкилот 30 йилдан зиёд муддат давомида фаолият юритиб келмоқда. Ассоциация талабалар ва 26 ёшгача бўлган ёшлар учун “SATA type ticket” махсус чипталари билан машҳур. SATA чипталари махсус шартнома асосида SATA аъзолари ва ҳаво транспорти хизмати ўртасидаги битим орқали келишиб олинади. SATA чипталари SATA аъзолари ва агентликлари бутун дунё бўйлаб 2500 сотувчи агентликлар тизими ташкил этган. Бу тизим саёҳатини мақсадини тезда ўзгартирувчи ва мослашувчанликка эга бўлган талабалар учун хоҳлаган манзилида чипталар олишини таъминлайди.

7.4. Халқаро иш&таълим алмашинув дастурлари ассоциацияси. (International Association for Educational Work Exchange Programmes)

International Association for Educational Work Exchange Programmes дастури ISTC ассоциацияларидан бири бўлиб, талабалар ва ёшлар учун чет элда ишлаш учун махсус дастурларни тадбир этади. Ҳар йили 60 000 дан зиёд талабалар ва ёшлар ҳомийлаштирилган иш дастурларида қатнашадилар Ўзбекистон Республикасининг юқоридаги ташкилотларга аъзо бўлиши мана шу ташкилотлар таклиф этаётган имконият ва шароитлардан Ўзбекистонлик талабаларнинг ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Айни дамда дуно бўйлаб ёшларнинг юртимиз бўйлаб кўпроқ саёҳатларини ташкил этишга шароит яратади.

7.5. Европа Иттифоқи ёшлар хостеллари ассоциациялари федерацияси (E.U.F.E.D. – European Union Federation of Youth Hostel Association)

Европадаги ёшлар хостеллари миллий ассоциацияларини ифода этади. Ёшлар хостелларининг тизими юз минглаб ёшларга уларнинг жойлашиши давомида хавфсизлик, илиқ кутиб олиш ва қониқарли турар жой билан таъминлайди. Федерация 1987-йилда ташкил этилган бўлиб, бу жараёни Европада даражасида таъминлаш, бу курслар учун молиявий ва сиёсий таъминотни

ривожлантириш, миллий ёшлар хостеллар ассоциациясини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилган. Ёшлар туризмнинг ривожлана борганлиги сабаб федерация ўзининг бош мақсадларига яна қўшимчалар киритди.

Европа талабалик картаси ассотциацияси – (The European Youth Card Association (EYCA) нотижорат ташкилот бўлиб, Европа бўйлаб 36 мамлакатдан 38 ёшлар карточкаси ташкилотларини қамраб олади. Буларнинг барчаси 6 миллиондан ортиқ карта эгалари – ёшларнинг ҳаракати ва фаолиятини қўллаб-қувватлашни таъминлайди²⁹. Ассотциация ҳар бир мамлакатдан биттадан аъзо ташкилотга эга бўлиб, у ёшлар карталарини ривожланишини ва ёшларнинг жойлашиш, маданий, маҳсулот ва хизматларда чегирма ва ёрдам пули билан таъминлайди. Ассоциация 1987 йилда ташкил этилган бўлиб, бош офиси Белгия, Брусселда жойлашган.

Жанубий Африка ёшлар саёҳати конфедерацияси (The South African Youth Travel Confederation SAYTC) – нотижорат савдо ташкилоти бўлиб, ёшлар туризми саноатини англатади. У 1998 йилда Жанубий Африка Бекпекинг номи остида мана шу йўналишни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Ташкилот 2007 йилда кенгайтирилиб, ёшлар туризмни бир неча турларини ўз ичига қамраб олди. Конфедерациянинг мақсади³⁰:

- Африкани муқобил ёшлар туризми йўналиши сифатида дунёда намоён этиш;
- Аккредитация ва йўриқномалар асосида ёшлар туризми саноатини профессионал даражада ташкил этиш;

Ташкилот аъзолари қуйидаги йўналишлар бўйича фаолият олиб боришади:

- Жанубий Африка бекпекинг
- Жанубий Африка таълими
- Жанубий Африка тур&транспорт


²⁹<https://www.eyca.org/eyca/about-eyca> (Мурожат санаси 06.03.2018)

³⁰<https://saytc.co.za/>(Мурожат санаси 06.03.2018)

- Жанубий Африка волонтерлик
- Туризм хизматлари

Килрой компанияси (KILROY) – ёшлар ва талабалар учун хизмат ва маҳсулотларни таклиф этади. 1946 йилда нидерландия талабалар саёҳати агентлиги сифатида ташкил этилган. Компания 23 манзилгоҳларга эга (9-расм) бўлиб, қуйидаги йўналишлар бўйича дастуларни таклиф этади³¹:

Индивидуал саёҳат Компания ёшлар, талабалар ва бошқа саргузаштга кизиқувчи мустақил саёҳат қилувчиларга Қуйидаги мамлакатлар бўйлаб дастурлар таклиф этади: Швеция, Швецария, Нидерландия, Россия, Англия, Буюк Британия, АҚШ. **Таълим саёҳати** Чет мамлакатларига ўқишни хоҳловчи талабаларга бепул маслахатларни таклиф этади. Бакалавр, магистратура ёки 1 семестрлик дастурлар. **Гуруҳли саёҳат** Таълим дастури саёҳатчиларни диққатга сазовор жойларга етаклайди. Маданият билан танишиш, маҳаллий аҳоли билан мулоқот ва табиатга саёҳат.



13-расм. Килрой компания булимларининг жойлашуви³²

³¹ <https://www.kilroy.net/about/history> (мурожат санаси - 18.03.2018)

³² <https://www.kilroy.net/media/12955111/kilroyannualreport2016.pdf> (Мурожат санаси 06.03.2018)

8. Халқаро ёшлар хостеллари федерацияси

Халқаро ёшлар хостеллари федерацияси тарихи ва ривожланиши

Халқаро ёшлар хостеллари федерацияси (IYHF – International youth hostels federation) Германияда иқтисодий имконияти чекланган ёшларга шаҳар ташқарисида (қишлоқлар)да ва дунё мамлакатларига саёҳатларини амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган. Бугунги кунда эса хостеллар халқаро ёшлар туризмнинг юраги ҳисобланади. Ҳар йили хостел эгалари (хостелчилар)нинг туристик даромадларга қўшадиган ҳиссаси 1.4 миллиард АҚШ долларигача бўлган суммани ташкил этади.

Хостел таърибаси 1909 йилда Германиянинг саноат марказида яшовчи бошланғич мактаб ўқитувчиси Ричард Счирманн томонидан илгари сурилган ғояси асосида юзага келди. У ўқувчиларнинг соғлиғи ва саломатлиги борасида индустриал революцияни амалга оширди. 1912 йилда Счирманн Алтена Вестпалиададаги мактабида биринчи ёшлар хостелини ташкил этди, кейинчалик Алтена қалъасидаги доимий хостелга айлантирилди³³. У хостелни иккита ката ётоқхонада 3 қаватли ёғоч ўриндиқлар, ошхона ва душ билан таъминлади. 1919 йилда хостеллар ғояси бутун Германия бўйлаб кенг тарқалди ва Счирманн Немис ёшлар хостели ассоциациясига асос солди. 1932 йилгача Германияда 2000 дан ортиқ ёшлар хостеллари мавжуд бўлиб, йилига 4.5 миллион тунашлар бўлган. Айтиш керакки, Швецария, Голландия, Нидерландия, Норвегия, Дания, Британия ороллари, Ирландия, Франция ва Белгия мамлакатларида 600 атрофида хостеллар бўлган ва ушбу давлатларда бирин кетин хостеллар ассоциациялари ташкил этила бошланди: Швецарияда 1924 йилда, Голландияда 1926 йилда, Англия ва Уелсда 1930 йилда, Янги Зеландияда 1932 йилда, АҚШда 1934 йилда, Канада 1938 йилда ва Австралияда 1939 йилда. Ёшлар хостеллари тез орада бутун дунё бўйлаб кенг тарқалди 1932 йилда Европа минтақасининг 11 ассоциациялари вакиллари Амстердамда йиғилишди ва Халқаро ёшлар хостеллари

³³<https://www.hihostels.com/pages/about-hi> (мувожаз санаси 20.05.2018)

федерацияси ташкил этилди. Ричард Счирман эса федерация президенти этиб тайинланди (1-расм). Федерация шиори “Фойда учун эмас, ёшлар манфаати учун” (For good, not for profit). 2006 йилда федерация номи “Hostelling International”га ўзгартирилди.

Хостел фаолияти нафақат тунаш жойи балки, қизиқарли воқеалар гувоҳи бўлиш, турли хил маданиятлар билан танишиш ва янги одамлар учрашиш ҳамдир. Федерация ўз хостелларида қуйидагиларни таъминлайди:

- ноодатий, хилма-хил ва илҳом бахш этувчи жойларда жойлашганлик;
- сифат стандартларига жавоб бериш;
- жойлашишда хавфсиз муҳитни таъминлаш;
- дўстлик муҳитини тақдим этиш;
- Ўзининг юз йиллик тажрибаси билан


федерация дунё бўйлаб қулай ва хавфсиз, юқори стандартларни таъминланган жойлашишни тақдим этиш ва тармоқларини кенгайтириш мақсадида федерация мамлакатлар ва валантёрлик агентликлари билан доимий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб, ривожлантириб келмоқда.

Федерация аъзолри Миллий ассоциациялардан иборат бўлиб, нодавлат ноижорат ташкилотлар ҳисобланади. У дунёнинг саккизинчи энг катта жойлаштириш воситаси таъминотчисидир.

Бугунги кунда 89 дан ортиқ мамлакатларда 73 та ёшлар хостеллари миллий ассоциациялари, 4 700 дан ортиқ халқаро ёшлар хостеллари, 3.9 миллион аъзолари ва 1 миллион халқаро меҳмонларига эга.

Улар ёш туристларга йилига 32 миллион тунашларни таъминлаган. Федерация мақсади, ёшларга ўз саёҳатларини амалга оширишларида хавфсиз, тоза ва қулай даражадаги шароитларни таъминлаш тизимини шакллантиришдан иборат. Ассоциациялардаги хостелларнинг барчаси hihostels.com веб саҳифасига бирлаштирилган бўлиб, мана шу орқали исталган хостелга буюртма беришлари мумкин (3-илова). 2016 йилда 11 миллион саёҳатчи ушбу веб саҳифа орқали буюртма берган. Веб саҳифа орқали буюртма қилиш хавфсиз бўлиб, 4% дан 8% гача жойлашиш

қийматларини ўз ичига олади, ваҳоланки бу қиймат бошқа веб саҳифаларда 12% дан 20% гача қиймати ташкил этди. Бу саҳифа ишончли тармоқ воситасида 2017 йил феврал ҳолатига кўра 8.3/10 рейтингини қўлга киритди³⁴.



14-расм. Халқаро ёшлар хостеллари сони ва жойлашуви ³⁵

Федерация ўзининг таркибига бир неча ассоциацияларни қамраб олган, яъни булар федерациянинг аъзолари ҳисобланади. Мана шу аъзо ташкилотлардан энг йириклари қуйидаглар ҳисобланади:

- Англия ва Уелс - 'YHA England & Wales'
- Австралия - 'YHA Australia'
- Покистон - 'Pakistan YHA'
- Хитой - 'YHA China'
- Таиланд - 'Taiwan YHA'
- Янги Зеландия - 'YHA New Zealand'

³⁴<https://www.trustpilot.com/review/hihostels.com>мурожат санаси 20.05.2018

³⁵<https://www.trustpilot.com/review/hihostels.com>мурожат санаси 20.05.2018



15-расм. Дунё бўйлаб сифат ва эко талабларга жавоб берувчи хостеллар жойлашуви.³⁶

Федерация номи остида 600 дан ортиқ шаҳарларда 700 атрофида хостеллар мавжуд. Энг машҳур хостеллар Лондон, Оксфорд, Сидней, Мелбрун, Ганконг каби шаҳарларда жойлашган.³⁷

2016 йилда Исландия Хостеллар ассоциацияси бошқармаси ташкилот кўмитасини Исландияда барқарор туризмни ривожлантиришда ўз хиссасини кўшишга ўндайдиган янги мақсад, янги кўриниш ва янги барқарорлик дастурини қабул қилди. Ташкилотнинг қабул қилган мақсади: “Барқарор ва масъулиятли туризмнинг ривожланишида муҳим ўринни эгаллаш ва табиатга саёҳат қилиш истагида бўлган туристлар, шунингдек тенгқур саёҳлар учун биринчи танлови бўлиш”. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Исландия Хостеллар ассоциацияси ёшлар билан ишлаш ва меҳмондўстлик борасида ўнтўрт йиллик тажрибага эга.

³⁶ http://www.hl.iue.fh-kiel.de/EUJP2017/wp-content/uploads/2017/03/HL_Impact-of-Tourism-Sustainability_bl.pdf

³⁷ <https://www.hihostels.com/pages/yha> (мурожат санаси 20.05.2018)

Англия ва Уэлс ёшлар хостеллари ассоциациялари

1929 йилда пионерлар гуруҳи Британияда биринчи ёшлар хостелини очиди. Бир йил ўтгандан сўнг миллий ташкилот очилди ва 1931 йилда ташкилот таркибида 11 та хостеллар очилган эди. XX асрнинг бошларида шаҳар аҳолисининг юқори даражада ўсиши катта хавотирга сабаб бўлди. Ёшлар хостеллари ассоциацияси ҳавонинг ифлосланишига ва шаҳар ҳаётининг оғир шароитларига қаршиқулай ва арзон жойлаштириш воситасини тақдим этади. Бу ишлайдиган ёшларга дам олиш вақтларини шаҳар ташқарисид, тоза ҳавода ўтказиш имкониятини тақдим этади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ЁХА (УНА) аъзолари сони икки мартага кўпайди. 2011 йилгача ассоциация хостелларига £37 миллион сумма миқдорида инвестициялар киритди.

Бугунги кунда ЁХА шаҳарлар ва шаҳарчаларда, шу билан бирга шаҳар ташқарисид ва қирғоқларда юқори сифатли жойлаштириш воситасини тақдим этади. Вақт ўзгаргани сари кўп нарсалар ҳам ўзгара боради. Аммо ассоциациянинг асл мақсади ўзгармади: Барчани айниқса ёшларни саргузаштлар ва изланишлар орқали уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, билимини ошириш ва уларга мустақилликни ўргатиш³⁸. УНА (England & Wales) ассоциация Англия ва Уэлс бўйлаб арзон нархлардаги 160 та ёшлар хостеллари, кемпинглар ва глемпингларни тақдим этади. Ассоциация нотижорат ташкилот ҳисобланади³⁹. 2016/2017 йилда УНА ассоциацияси орқали 1.1 миллион ёшлар жойлашиш, волонтерлик ва амалиёт орқали саёҳат қилишган. Уларнинг 256 637 нафари жойлашишган бўлса, 148 720 мактаб саёҳатлари ва дастурларида қатнашди.

³⁸ <https://www.yha.org.uk/about-yha/history>(мурожат санаси 10.04.2018)

³⁹ <https://www.yha.org.uk/affiliate-programme>(мурожат санаси 20.04.2018)



16-расм. Англия&Уелс ассоциацияси хастели (YHISouth Downtow

АҚШ хостеллари ассоциацияси

АҚШ хостеллари ассоциацияси ҳар йили юздан ортиқ мамлакатлардан бир миллиодан ортиқ меҳмонларни қабул қилади. Америкалик Изабел ва Монро Смитлар 1933 йилда иккинчи халқаро федерация йиғилишида қатнашганларидан сўнг 1934 йилда Американинг шимолида Массачус штатида Америкадаг биринчи хостелни очиди. Америка хостеллари ассоциацияси шу тариқа дунёга келди.

Бир йил мобайнида Америка ёшлар хостеллари занжирида 30 дан ортиқ хостеллар мавжуд бўлган. Унинг ривожланиши кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилди. 1936 йилда АҚШ Президенти Франклин Де Рузвелт хостеллар ҳақида: “Мен бундай турдаги жойлаштириш воситасини ўргандим ва унинг зарурлигини тушундим: бу мен эшитганларим ичида энг яхши таълим воситаси ва хаттоки мактаблардан ҳам яхшироқ”. Иккинчи жаҳон урушигача, 1930 йилларда Европа сиёсий жамияти кўпина ҳаракатлари амалга оширди ва хостелларнинг баъзилари ҳарбий мақсадларда ишлатилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида дунё бўйича қайта қурилиш бошланди. Халқаро ёшлар саёҳати давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Бунинг асосий сабаби миллатлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ҳисобланади. АҚШда Жон Рокфелли III хостеллар аҳамиятини юқори баҳолади ва бир неча йиллар давомида ассоциация президенти сифатида фаолият олиб борди. Ташкилот 1949 йилда ноtijорат ташкилот сифатида ташкил этилди. Миллий ташкилот 1961 йилда Пенсилванияда биринчи хостелни сотиб олди. 1980 йилда Сан-Франсискода Миллий Парк (National Park Service) билан ҳамкорликда йирик хостел очди. 80 йилларнинг охирида Бостон, Маями, Санта-моника, Сеттле ва Вашингтонда кўпгина хостеллар очилди. 1990 йилларда эса Чикаго, Нью-Йорк, Орландо, Сан-Диего ва Сан-Франсискода хостеллар очилди. 1994 йилда ассоциация томонидан хостелларни стратегик ривожлантириш дастури қабул қилинди. 2004 йил 11 сентябрдаги мудҳиш ҳодиса нафақат АҚШни балки бутун дунёни хайратда қолдирди ва йил давомида халқаро саёҳатчилар сони кескин камайди.




17-расм. “Эрригал” хостели, АҚШ

Бугунги кунда АҚШнинг 19 штатларида элликдан ортиқ хостеллар йилига 1 миллиондан ортиқ саёҳларни жойлаштириш имкониятига эга. 2016 йилда юздан ортиқ келган меҳмонларга 1 149 563 жойларга хизмат кўрсатган. Шу йили ассоциацияда 1 651 нафар волонтерлар фаолият олиб борган. Бундан ташқари у 5 729 таълим дастурларини амалга оширди. АҚШ хостеллар ассоциацияси 30 дан ортиқ барқарорлик сертификатига эга. Ассоциация томонидан турли хил дастурлар амалга ошириб келинади.

II-БОБ. Ўзбекистонда ёшлар туризмини ташкил этиш асослари

2.1 Ўзбекистонда ёшлар туризмини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда мамлакатимиздаёшлар сони аҳолимизнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилида 14 ёшгача бўлган болалар сони 8,4 миллион, 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар сони эса 3,9 миллион ташкил этган. 2017 йилга келиб эса бу кўрсаткичнинг қуйидагича ўзгарганини кўришимиз мумкин: 14 ёшгача бўлган болалар сони 9,2 миллион, 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшлар сони эса 8,7 миллионни ташкил этган. Бу мамлакатимиздаги ёшлар сони аҳолининг ярмидан кўпини яъни **55%** ни ташкил этади (расм).



18-расм. Ўзбекистондаги аҳоли сони (1991 ва 2017 йил)⁴⁰

⁴⁰ <https://stat.uz/uz/432-analitcheskie-materialy-uz/2033-o-zbekiston-respublikasining-demografik-holati>
14.05.2019

Бу кўрсаткич чет мамлакатларига қараганда юқоридир. Мисол учун Францияда 14 ёшгача бўлган болалар сони аҳолининг 18,5%ини, 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар сони эса аҳолининг 11,79% ини ташкил этган. Умумий олганда эса Францияда 24 ёшгача бўлган шахслар сони аҳолисининг **30,29%** ини ташкил этади⁴¹(расм). Бу эса ёшлар туризмини ривожлантириш учун катта патенциал ҳисобланади.

Мана шу ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи “Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи” бугунги кунда ёшларимизнинг ижтимоий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

France Demographics Profile 2018	
Home > Factbook > Countries > France	
Population	67,106,161 note: the above figure is for metropolitan France and five overseas regions; the metropolitan France population is 62,814,233 (July 2017 est.)
Age structure	0-14 years: 18.53% (male 6,360,218/female 6,076,598) 15-24 years: 11.79% (male 4,045,901/female 3,864,395) 25-54 years: 37.78% (male 12,773,900/female 12,578,256) 55-64 years: 12.42% (male 4,020,507/female 4,315,407) 65 years and over: 19.48% (male 5,648,888/female 7,422,091) (2017 est.)
Dependency ratios	total dependency ratio: 59.2 youth dependency ratio: 29.1 elderly dependency ratio: 30.2 potential support ratio: 3.3 (2015 est.)
Median age	total: 41.4 years male: 39.6 years female: 43.1 years (2017 est.)

19-расм. Франция аҳолиси статистикаси (2018 йил)

Мамлакатимизда ёшлар, уларнинг хоҳиш ва истаклари, манфаатлари доимо ҳукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Республикаимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилиданоқ ёшлар ва уларга қаратилган эътиборнинг қонуний асослари яратилди: 1991-йилнинг 20-ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди⁴². Бу қонун шиддат билан ривожланиб бораётган замон талабларига

⁴¹www.indexmundi.com/france/demographics_profile.html

⁴²www.lex.uz(Мурожат санаси: 29.03.2018)

мос равишта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, такомиллаштириб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев бошчилигида ёшларга оид давлат сиёсати такомиллаштирилиб борилмоқда. 2016-йилнинг 12-августидан ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун 33 моддадан иборат бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи органлар ва муассасалар иштироки алоҳида белгилаб қўйилган. шунингдек, қонуннинг 3-бобидаги 6та моддаси ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишга бағишланган. Мамлакатимиз ёшларининг эркин саёҳат қилиш ва дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ушбу қонунда белгилаб қўйилган. Жумладан:

Қонуннинг *23-моддада “...ёшларнинг жамоат транспортдан фойдаланишда имтиёзлар бериш...”

***24-моддасида “...ёшларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштиришни ташкил этиш тизимини ривожлантириш...”**

***25-моддасида “...ёшларга оид халқаро алмашинуви”**

***27-моддасида “...ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониятлар тўғрисида хабардор этиш”**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2017 йил 5 июльда “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106 сонли фармони қабул қилинди.

Иттифоқнинг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг

интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, ёшларни ташқи таҳдидлар ва “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш ва шарт-шароитларни яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан иттифок ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилган, Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи нодавлат ноижорат ташкилотидир.

2017 йил 14-16 августда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабзда “Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш муаммолари ва унда ёшларнинг тутган ўри” мавзусида Республика ёшлар форуми ташкил этилди. Форумда ёшлар ўзларининг фикр мулоҳазадари билан фаол иштирок этишди. Мамлакатимизда ёшлар саёҳатларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ўртасида меморандум имзоланди.

2017 йил ноябр ойида Россия ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан халқаро истиқболли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Россия ёшлар иттифоқи раиси Павел Красноруцкий ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаш раиси Қаҳрамон Қуранбоев томонидан "Ёшлар билан ишлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми" имзоланди. Ҳамкорликда режалаштирилган ишлар амалда ўз тасдиғини топиб, 2018 йил 12-18 феврал кунлари Ўзбекистонда “Иккинчи Ўзбекистон – Россия ёшлар форуми” бўлиб ўтди. Лойиҳа доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида учрашув;

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Турин политехника университетидаги Бошланғич ташкилотига ташриф;
- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги “Ёшлар ижод саройи”га ташриф;
- Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциациясига ташриф;
- Тошкент давлат иқтисодиёт университетидаги ташриф;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига ташриф.



20-расм. Россия ёшлар иттифоқи раиси Павел Красноруцкий ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаш раиси Қахрамон Қуранбоев⁴³

Форум доирасида 16 февраль куни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида “Россия федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ёшлари ўртасида туризмни ривожлантириш истиқболлари ва механизмлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

. Давра суҳбати доирасида икки давлат ёшлари ўртасида ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш муҳитини яратиш, тадбиркорлик, туризм соҳаларини ривожлантириш истиқболлари, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги

⁴³<https://cdn2.img.sputniknews-uz.com/images/677/60/6776019.jpg> (мурожат санаси 04.05.2018)

хамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама этилди. Давра суҳбати давомида Ўзбекистон, Россия вакиллари ўзларининг туристик салоҳияти ҳақида сўзлаб берди.



4-

22-расм⁴⁴. “Иккинчи Ўзбекистон – Россия ёшлар форуми” иштирокчилари, Самарқанд

Шунингдек Форум иштирокчилари мамлакатимизнинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, тарихий-меъморий ёдгорликларимиздан баҳраманд бўлишди.

Россия Халқлар дўстлиги университети (ИГБиТ университети), Москва меҳмонхона ва туризм институтида “Буюк ипак йўлининг МДХ худудидаги туристик салоҳияти” мавзусида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Тадбир Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Давлатлараро Гуманитар ҳамкорлик жамғармаси томонидан ташкиллаштирилди. Симпозиумда Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистондан саккизта университет вакиллари иштирок этди.

⁴⁴<http://sies.uz/index.php/uz/yangiliklar/535-ikkinchi-rossiya-zbekiston-joshlar-forumi-ishtirokchilari-institutga-tashrif-buyurishdi> (Мурожат санаси: 07.05.2018)

Ўзбекистондан бу халқаро симпозиумда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Халқаро туризм ва сервис факултети “Халқаро туризм ва туризм сервис” кафедраси ўқитувчилари ва талабалари иштирок этишди. Симпозиум давомида жамоа томонидан Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон ҳудудидаги туристик салоҳиятини ўрганиш бўйича илмий натижалари тақдим этилди.



23-расм. “Буюк ипак йўлининг МДХ ҳудудидаги туристик салоҳияти” мавзусида Халқаро симпозиум иштирокчилари

Бу илмий-тадқиқот ишлари амалий аҳамияти билан ажралиб турди. Тадқиқот ишлари давомида Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида Буюк Ипак йўлининг ҳали ўрганилмаган йўналиш ва маршрутлари кўриб чиқилди. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти жамоасининг тақдимотида мамлакатнинг миллийлиги, этнос ва фольклорига алоҳида эътибор қаратилди. Жамоа тақдимоти ёрқин, жонли ва қизиқарли ўтди⁴⁵.

Ёшлар туризмни ривожлантиришга алоҳида ишлар амалга оширилмоқда. 2016-йил 2-декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти

⁴⁵<http://sies.uz/index.php/uz/yangiliklar/486-o-zbekiston-yoshlari-xalqaro-simpoziumda-munosib-ishtirok-etdi> (Мурожат санаси: 29.04.2018)

Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири этиб ёшлар туризми белгиланган⁴⁶.

2017-йил 14-16 августда “Ички туризмни ривожлантириш истиқболлари ва унда ёшларнинг ўрни” мавзусида республика ёшлар форуми ташкил этилди. Форумда шу соҳада таълим олаётган талабар, соҳа мутахасислари ва ёшлар иштирок этиб, ўзларининг фикр ва ғояларини билдиришди. Ёшлар туризми ривожлантиришда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ўртасида имзоланган меморандум муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-февралда “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514 сонли қарорида **“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил”** ички туризмни ривожлантириш дастури қабул қилинди. Дастурда ёшлар саёҳатларини кўллаб-қувватловчи ташкилотлар маъсулияти алоҳида келтириб ўтилган.

Жумладан қарорнинг бешинчи бандида: Белгилаб кўйилсинки, Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига туристик-экскурсия турлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлар: таълим муассасалари ўқувчилари учун — ўз маблағлари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан;

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида амалга ошириладиган кўплаб чора-тадбирлар режасида ёшлар туризмни ривожлантиришга оид қатор ишлар бажарилиши режалаштирилган. Жумладан, дастурнинг 2-бандида: 2018 йилнинг март ойига қадар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида “Ёшлар туризм агентлиги”ни ташкил этиш;

⁴⁶www.lex.uz (Мурожат санаси: 29.03.2018)

Дастурнинг 4-бандида: Хар йили ёзги таътилда ва туристик оқим кам бўлган даврда

Ўтган сайёҳлик мавсумида Ўзбекистон сайёҳликнинг ривожланиш дастури "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" доирасида туризмни ривожлантириш учун минтақаларда сайёҳлик инфратузилмасини тайёрлаш бўйича қатор чора-тадбирларни ўрганиш ва қабул қилиш, шу жумладан:

турар жойлар, овқатланиш корхоналари, санитария иншоотлари, транспорт воситалари, маданий мерос объектлари ва бошқа туристик жойларга хизмат кўрсатиш учун инвентаризация қилиш ва тайёрлаш;

йўл-транспорт белгиларини ва туристик навигациянинг бошқа белгиларини яратиш / янгилаш;

турли маданий ва кўнгилочар тадбирларни ўтказиш, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмаси объектларида имтиёзли дастурларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида туризмни ривожлантириш бўйича Давлат комиссиясида ва саёҳатчиларнинг саёҳат бўйича мувофиқлаштирувчиси томонидан ўтказиладиган тадқиқот натижаларининг йўналишларини ўтказиш тартибини амалга ошириш.

Дастурнинг 9-бандида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчиларни, багаж ва юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ чегирмалар тақдим этиш билан ички поездлар учун саёҳатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш ва сотиш бўйича мувофиқлаштирувчиларнинг ёзги таътиллари ва йўловчилар кам бўлган даврларда сотиш ва бронлаштиришда "Ўзбекистон" ички туризмни ривожлантириш дастурининг иштирокчилари учун чегирмалар тақдим этиш.

Дастурнинг 10-бандида: 2018 йилнинг март-апрель ойларида «Uzbekistan Pass» лойиҳаси доирасида қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:

касаба уюшмалари кўмиталари орқали тарқатиладиган болалар, ёшлар, кекса фуқаролар, ногиронлар, катта оилалар ва давлат хизматчилари учун туристик муассасалар, турак жойлар, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш жойларига бориш учун имтиёзли шарт-шароитлар ва чегирмалар беришни таъминлайдиган ягона бир чегирмалар картаси;

Дастурнинг 17-бандида: Ички туризмни ривожлантириш, сайёҳлик маҳсулотларини диверсификация қилиш, мамлакатда мавсумийлик ва туризмнинг ҳудудий концентрациясини пасайтириш, аҳолини туристик сайёҳликнинг турли йўналишлари (сайёҳларни жалб этадиган географик ҳудуд) сифатида турфа хил туристик маҳсулотни таклиф қилувчи, шунингдек ички туристик хизматларнинг доимий истеъмолчилари таркибий қисмини кенгайтириш. Шу билан бирга, маркетинг кампаниясининг бир қисми сифатида:

Ўзбекистон Республикасининг тарихий-маданий объектлари тўғрисида ахборотни ўз ичига олган аудио-видео-энциклопедиялар ва филмларни чиқариш ва уларнинг миллий телевидениеси орқали эфирга узатиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан журналистик саёҳатларда (алоҳида сайёҳлик объектлари ва вилоятлардаги объектларни тақдим этишга йўналтирилган анжуманлар);

телевидение, радио, электрон ва босма оммавий ахборот воситалари, ижтимоий медиа, ташқи реклама орқали Ўзбекистон Республикасида сайёҳлик бўйича ижтимоий рекламаларни яратиш ва тарқатиш;

маҳаллий туризмни ривожлантиришга кўмак берувчи ва маҳаллий аҳолини сайёҳлик соҳасида оилавий бизнесни очишга ва бошқаришга ўргатадиган мавжуд бўлган ва янги телерадиодастурлар, даврий нашрлар ва интернет лойиҳаларида ички туризмни жорий этишни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради, шу жумладан, меҳмон уйларида барпо этиш ва қишлоқда сайёҳларга турли хизматлар кўрсатиш жойлар;

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мактаб ва ёшлар мақсадли аудитория учун туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш, шу жумладан ижтимоий тармоқларда ишлаш ва махсус ўйин таркибини яратиш;

реклама маҳсулотларини ишлаб чиқариш (очик скриншотлар учун реклама тахталари ва видеороликлар) ва уларни мамлакатнинг энг кўп ташриф буюрадиган жойларига жойлаштириш.

Дастурнинг 27-бандида:Мактаб, коллеж ва университет ўқитувчилари, уламолар (имом-хатиб), фуқаролар йиғинлари фаоллари, Хотин-қизлар кўмитаси, Нуруний жамғармаси, касаба уюшмалари кўмиталари ва тиббиёт муассасалари вакиллари томонидан ички туризмни аҳоли орасида **тарғиб қилиш бўйича қўлланмалар тайёрлаш.**


Юқорида айтиб ўтилган ташкилотлар вакиллари томонидан ички туризмни илгари суриш ва тарғиб қилиш учун ҳафталар доирасида йиллик иш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Дастурнинг 31-бандида:2018 йил июндан бошлаб Катта саноат корхоналарига саноат экскурсияларини ташкил этиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни ўз фаолияти билан таништириш, компаниянинг тарихи ва технологик жараёнларини акс эттирувчи экспозицияларни яратиш, ўзбек, рус ва инглиз тилларида кўрсатмалар бериш, шунингдек, ташриф буюрувчиларнинг иштироки алоҳида технологик жараёнларда эсдалик совғалари топширилади.


2.2. Ўзбекистонда ёшлар туризмни ташкил этиш муаммолари

2017-2018 йилларда Республикамизда таълим олаётган ва турли хил иш фаолиятини юритаётган 500 га яқин (14-30 ёш) ёшлар орасида “Ўзбекистонда ёшлар туризми ривожланиш даражаси тўғрисида” аноним сўровнома ўтказилди. (Сўровнома намунаси -илова). Сўровнома натижалари шуни


кўрсатдики, уларнинг 70% бугунги кунда кўпроқ табиат қўйнида, тоғ ва ўрмонларда, сув бўйларида дам олишни исташади. Янги жойлар билан танишиш, ўзлари яшаб турган вилоятдан ташқари бошқа жойларга боришни хошловчи ёшлар 80% ни ташкил этади, бундай ёшларнинг салмоқли ҳиссаси айниқса туманларда истиқомат қилувчи ёшларга тўғри келади. (1-расм).




24-расм. Қайси давра билан саёҳат қилишни истардингиз?




25-расм. Саёҳатнинг нимаси сизни кўпроқ жалб қилади?



26-расм. Саёҳатнинг қайси турини танлаган бўлар эдингиз?



28-расм. Худудингизда ёшлар туризмни ривожлантиришда биринчи навбатда қайси инфратузилмани яхшилаш керак деб ҳисоблайсиз?



29-расм. Мамлакат бўйлаб қайерларга саёҳат қилишни хоҳлар эдингиз?

Талаба - ўқувчиларнинг қишки ҳамда ёзги таътилларини инобатга олган ҳолда улар учун туристик (айниқса вилоятлар аро) дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда улар учун имтиёзли тарзда амалга ошириш лозим. Бу айнқса мавсумийликни қисқартишда ўта муҳим ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги “Туризм соҳасини ривожлантиришда ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида:

“...чет эл ёшларини кенг жалб этиш мақсадида **кўнгилочар комплекслар барпо этиш**, маданий мерос объектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирадиган **экспозицияларни ташкил этиш**”

2.3. «SamISI Sayuoh Plus» туристик фирмасининг ёшлар туризмни ривожланишидаги ўрни

«SamISI Sayuoh Plus» МЧЖ 01.10. 2007 йилда юридик макомга эга булди. Низом жамгармасининг 51 % Самарканд иктисодиет ва сервис институтига тегишли.(Гувоҳнома № 02653)

14.07.2008 йилда «SamISI Sayuoh Plus» МЧЖ га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комиссияси мажлисининг баени асосида № 457-08 ли ракамли лицензия берилди.

25 .09. 2008 йилда «SamISI Sayuoh Plus» МЧЖ га Ўзбекистон Сертификатлаштириш миллий тизими «Тур сервисе стандарт» ДУК томонидан мувофиқлик сертификати берилди. 2008 йил лицензия ва сертификация жараенига- 487.500 сум, ижара хаки – 20.000 сум; жами: таъсис фондига таъсисчилар томонидан - 511.650 сум сармоя киритилди.

2009 йилдан буён «SamISI Sayuoh Plus» туристик фирмаси томонидан хар йили 20тагача экскурсия ўтказилади.

Туристик фирма фаолияти давомида шу кунга қадар қуйидаги маркетинг ишлари олиб борилди :

- 126 та туристик ташкилот ва корхоналар билан алоқа ўрнатилди. Самарканд, Бухоро, Хива шаҳарлари меҳмонхоналари, туристик фирмалари, транспорт ташкилотлари буйича ахборот базаси яратилди. Ушбу база яратилиши тур маҳсулотларни яратишга замин бўлди. Ҳозирги кунда ушбу ахборот базасидан институт «Сервис ва туризм» факултети талаба ва ўқитувчилари мувофақиятли фойдаланиб келмоқдалар. Институт аспирант, тадқиқотчилар ва магистрлар илмий иш езишда ушбу базадан керакли маълумотларни олиб ўз диссертацияларида фойдаланмоқдалар.

- 1840 хат интернет орқали халқаро корхоналар, ташкилотлар, олий укув даргохлари, туристик фирмаларга «SamISI Sayuoh Plus» МЧЖ реклама хатлари юборди . Ушбу хатларда фирма номидан ҳамкорлик хақида

таклифлар шартнома асосида берилди. Бунинг натижасида, институт ва ҳамдустлик давлатлари олий укув юртлири билан алокаларни мустахкамлаш мақсадида, куйидаги шартномалар имзоланди:

- Саратов Давлат Техника Университети;
- Туризм ва Курорт ишлари бўйича Сочи Давлат Университети;
- Жанубий Россия Давлат Иктисодиет ва Сервис Университети;
- Караганда Иктисодиет Университети;
- Магнитогорск Давлат Университети;

Самарканд вилояти худудида маҳаллий туризмни ривожлантириш мақсадида вилоятдаги 6 та туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, вилоят ўрта махсус касб – хунар таълими бошқармаси билан кушма қарорлар имзоланди. Самарканд шаҳри бўйича доимий тарзда фирма ишчилари томонида тарғибот-ташвиқот ишлари амалги оширилиб келмоқда. 50 га яқин коллеж ҳамда лицейларда туристик фирманинг тур маҳсулотлари тақдимотлари ташкил этилди. Бунинг натижасида фирмада янги маҳаллий йўналишлар бўйича экскурсиялар ўтказилди.

- «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси томонидан ўтказилган туристик ярмаркаларида «SamISI Sayuoh Plus» фирмаси ходимлари мунтазам равишда қатнашиб келмоқдалар.

Хозирги кунга қадар Самарканд Иктисодиет ва Сервис институтининг 450 нафар талабалари «SamISI Sayuoh Plus» МЧЖ да ишлаб чиқариш амалиетини ўтдилар ва фирма маълумотлари асосида ўз хисоботларини тайерладилар.

2007-2008 йилда «Интилиш» маркази билан ҳамкорликда ўтказилган тренинглари ва семинарлари натижасида институтнинг 3 нафар талабалари «SamISI Sayuoh Plus» МЧЖ йулланмаси билан Самарканд шаҳрининг йирик туристик фирмаларига ишга жойлантирдилар.

2009 йилда туристик фирма қошида ижтимоий бўлим очилди. Бу бўлим томонидан куйидаги ишлар амалга оширилди:

- биринчи курс талабалари ўртасида фирма ишларига жалб килиш мақсадида 3 босқичли Ижтимоий лойиха амалга оширилди. Килинган ишлар натижасида «Сервис ва туризм» факултетининг 25 нафар талабалари кўнгилли сифатида туристик фирмага ишга жалб килинди. Ушбу кўнгиллилар иштирокида «Миронкул» экологик дам олиш маскани базасининг такдими ўтказилди ва такдимот асосида 12 туристик маҳсулотлар яратилди ва туристик фирма ва меҳмонхоналарга юборилди. Ушбу маҳсулотни тарғибот килиш натижасида Ўзбекистон ҳудудидаги туристик фирмалар «Миронкул» туристик маҳсулотларини ўзларининг дастурларига киритиб ва уни чет элнинг йирик туристик фирмаларига сотилишини режалаштирган.

Хиндистон, Россия, Исроил, Франция, Япония давлатларидан келган Туроператорлар билан олиб борилган музокуралар натижасида ҳозирги кунда «SamISI SAYYOH PLUS» туристик фирма кўнгиллилари томонидан хат алмашинуви ва янги туристик дастурлар яратилиб, ушбу давлатларга реклама сифатида юборилмоқда.

«SamISI SAYYOH PLUS» туристик фирмаси томонидан юқорида йтиб ўтилган барча ишлар Япония давлати JICA ташкилоти кўнгиллиси Мори Кана ердамида амалга оширилмоқда. «Миронкул» экологик дам олиш масканида Мори Кана ердамида Япон боғи барпо этилди.

Ҳозирги кунда «SamISI SAYYOH PLUS» туристик фирмаси кўнгиллилари ва Мори Кана томонидан 6 (ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, япон) тилда фирманинг веб сайти яратилмоқда.

«SamISI SAYYOH PLUS» туристик фирмаси ўз олдида қуйидаги вазифаларни амалга оширди

- 2010 йил 4 июнда «Туристтик форум» ўтказилиши;
- 2010 йил 11 -13 июнда Туристтик фестивал ўтказилиши;
- 2010 йил сентябр ойида ижтимоий лойиха ўтказилиши;

2010 йил 11-13 июн кунлари Ўзбекистон Республикасида биринчи мартаба ўтказилаётган «Самарқанд Шарқ дурдонаси» халқаро ёшлар туризми фестивалини ташкил этиш бўйича махсус ишчи гуруҳи Низом асосида ташкил этилди. Ёшлар туризми фестивалини ўтказиш жойи институтнинг «Миронкул» оромгоҳи танланди.

Ҳамдустлик давлатлари ҳамда чет мамлакатлардаги Олий укув юртлари хабардор килинди, фестиваль доирасидаги электрон мулоқат йулга қуйилди ва уларга расмий равишда таклифнома юборилди.

Фестиваль жараёни тугрисида пресс-релиз тайёрланди ва уни республика ҳамда маҳаллий ОАВ орқали ёритилиши таъминланди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти дам олиш оромгоҳи худудининг тозалиги талабалар хашари билан таъминди. Фестиваль иштирокчилари жойлашадиган хоналар, овқатланиш жойлари, маданий хордик чиқариш хоналарини ҳамда укув – семинарлари, тренинглари ўтказиладиган хоналар тайёрланди. Фестивальда Қозоғистон(Қарағанда) ва Россия (Жанубий Россия Давлат Иқтисодиёт ва Сервис Университетидан) Давлатлари, Тошкент иқтисодиёт институти, Қарши Чет Тиллари Университетидан 37 нафар талаба ва ўқитувчилар қатнашдилар. Бундан ташқари, фестивалнинг очилиш маросимида «Ўзбектуризм» МК вакиллари, Самарқанд шаҳри туристик фирмалар вакиллари ва институтнинг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар. Япония Давлати ЈСА ташкилотининг кунгиллиси Мори Канна қатнашчилар учун «Энг яхши туроператор» мавзусида махсус тренинг ўтказди. Тренинг жараёнида барча қатнашчилар фаол қатнашиб, ўз регионининг туристик ресурсларини тақдимот этди ва бунинг натижасида Жанубий Россия Давлат иқтисодиёт ва Сервис Университети талабалари совриндорликни қулга киритдилар.

2011 йилда япония тажрибаси асосида фирма қошида “Glubturizm” лоихаси амалга оширилди . Лойиха асосида «SamISI Sayuoh Plus» туристик фирмаси кунгиллилари , СамИСИ талабалари 27 та мактабда туризм

йуналишига багишланган 12 тренинг, Азиз шахрим Самарқандим танлови ўтказилди. Натижада шу мактабларда 23 экскурсия ташкил қилинди. Бу экскурсияларда ўқитилган ўқитувчилар гидлик тажрибаларини мустаҳкамлашди. Бу лойиҳа 2012 -13 йилларда давом этилди.

2013 йилда ЛСА ташкилоти қўнгиллиси Таҳара Юки ердамида Самарқанд шаҳри Тошкент кчасида жойлашган Туристик ахборот маркази ташкил қилинди. Бунда туристларга Самарқанд шаҳри картаси, меҳмонхоналар, қўнгилочар маосимлар хақида бепул ахборот берилиши ташкиллаштирилган. Марказда инглиз ва бошқа тилларни билган , амалиётни туристик фирмада ўтаётган талабалар ва қўнгиллилар ишлайди. Ҳозирги кунда туристик марказда 8дан ортиқ туристик маршрутлар ишлаб чиқилган. Меҳмонхона, туристик фирмалар транспорт ташкилотлари билан шартномалар тузилган. Туристлар ўртасида катта сўровнома ўтказилди. Ва бу сўровнома натижасида янги туристик маршрутлар синовдан ўтказилмоқда.

2014 йилда ЛСА ташкилоти қўнгиллиси Таҳара Юки ердамида Халқаро туристик форуми ўтказилди. Форумда Япония ва Ўзбекистон талабалари қатнашди.

2015 йилда Халқаро туристик фестивал ва туристик форум ўтказилди. 2016 йилда Қозоғистон ва Ўзбекистон талабалари билан халқаро туристик фестивал ўтказилди. Ва ҳозирги вақтгача барча диққатга сазовор жойларда зиёрат экскурсияларини ташкил этиб келмоқда.

Фирма раҳбари: Саттарова Зухра Илхамовна.

Фирма бош ҳисобчиси: Насреддинов Фаррух

Фирма қўнгиллилари: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабалари, Самарқанд чет тиллар институти талабалари ва Сартепо туризм коллежи талабалари.

III БОБ. Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўллари

3.1. Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпгина мамлакатларда ёшларнинг дам олишлари, экскурсия ва саёҳат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида турли хил чегирма ва имтиёзлар берилган бўлиб, бу уларнинг ўз мамлакатларини кўпроқ билиш, ўрганиш ва дам олишлари учун имконият яратади. Бу имтиёз ва чегирмаларни маълум бир талабалик карточкалари орқали амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан саёҳатга эга бўлиб, 7,4 минг маданий мерос мавжуд⁴⁷ эканлигини ва уларнинг 3/1 қисми ушбу соҳада фойдаланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак,

Ўзбекистонлик ёшлар учун юқорида келтирилган имкониятдан фойдаланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Талаба-ёшлар саёҳати” карточкаларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу карточкалар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан таъсис этилади ва Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистондаги қатор давлат ва хусусий ташкилотлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиб, тузилган шартномалар асосида фаолият юритади. Ҳамкор ташкилотлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- Ўзбекистон ҳаво йўллари
- Ўзбекистон темир йўллари ДАК
- Ёшлар туризми агентлиги
- Хусусий саёҳлик компаниялари ассоциацияси
- Ўзбекистон отелерлар ассоциацияси
- Ўзбекистондаги овқатлантириш корхоналари

47

- Ўзбекистондаги барча туристик объектлар
Ва бошқалар

Юқорида келтириб ўтилган ташкилотлар тузилагн шартномалар асосида карточка эгаларига кўрсатилган хизматлари миқдорига кўра давлат томонидан маълум бир солиқ имтиёзларига эга бўлишлари мумкин.

Бу карточкалар фақат Ўзбекистон фуқароси бўлган, 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган шахсларга берилади. Карточкалар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:



30-расм. Таклиф этилаётган карточкалар намуналари

Карточкалар онлайн тарзда буюртма берилиб харид қилиниши мумкин. Карточкадаги имтиёз ва чегирмалар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар ўзининг сайтида мунтазам бериб борилади.

Халқаро талабалик картаси ассоциацияси ноижорат ташкилот бўлиб, 1953-йилда ташкил этилган. Ҳозирда 130 дан ортиқ мамлакатлардан талабаларни қамраб олган. ISIC картасини миллати, дини, жинси ва ирқидан қатъий назар 12 ёшдан катта бўлган барча ҳақиқий талабалар харид қилиши мумкин. Мана шу биргина карта орқали ISIC талабалари маҳсулотлар, хизматлар ва талабалар ҳаёти билан боғлиқ жараёнларда 150 мингдан ортиқ – дастурлар лицензияси ва кино чипталаридан тортиб, китоб дўконлари, жамоа транспортлари, кафелар ва овқатлантириш корхоналарида турли имтиёз ва чегирмаларни қўлга киритишлари мумкин. Бундан ташқари карта эгалари бутун дунё бўйлаб турли жойларда уни шахсни тадиқловчи ҳужжат сифатида ҳам ишлатишлари мумкин. ISIC картаси бир йил муддатга берилади. Бунинг

учун онлайн тарзда ариза бериш ва унинг офисларидан олиш мумкин. Карта эгаларига кенг миқёсидаги имкониятларини тақдим этиш орқали, ИСИК ассоциацияси бутун дуно бўйлаб маданиятлараро ўзаро тушуниш, таълим имкониятларини ошириш ва талабалар ҳаётига кўмаклашишда амалий аҳамиятга эга бўлишни мақсад қилган. ISIC картаси БМТ нинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКО томонидан 1968-йилдан буён тасиқланган бўлиб, университетлар, институтлар, талабалар ассоциациялари, ҳукуматлар, молия институтлари ва таълим вазирликлари томонидан тан олинган. Бундай карточкаларнинг аъзо бўлган шахсларнинг ёши ва фаолиятидан келиб чиққан ҳолда 3 тури мавжуд⁴⁸ (8-расм).

ISIC картаси Нидерландия, Амстердамдаги ISIC ассоциацияси офиси орқали бошқарилади. ISIC картаси 1953-йилда биринчи маротаба яратилган ва унинг дизайни Норвегия ва Дутч талабалар бирлашмаси томонидан яратилган. Дастлаб, ISIC картаси ҳаво йўлларида талабаларга чегирмалар тақдим этиш мақсадида яратилган. 2013-йилда ISICнинг 60 йиллиги нишонланди.

IYTC (Халқаро ёшлар саёҳати картаси) картаси талаба бўлмаган, 30 ёшгача бўлган ёшлар учун мўлжалланган. ITIC (Халқаро ўқитувчи картаси) (тўлиқ ставка) ўқитувчи ёки профессорлар учун мўлжалланган. ITIC 16 ой муддатгача берилиши мумкин. 1 сентябр ёки 1 декабрдан бошланиб, мамлакатнинг ўқув йили муддатига боғлиқ бўлади. 3 хил карталарнинг тақдим этадиган имконият ва чегирмалари бир хил. Картанинг нархи талабанинг давлатидан келиб чиққан ҳолда 4-25 АҚШ долларигача бўлади. Агар мамлакатда ISIC офиси бўлмаса, унда ташриф буюрмоқчи бўлган мамлакатдан олиш мумкин. Карта эгалари смартфонлар орқали ISIC App дан карта тақдим этадиган имконият ва чегирмалардан хабардор бўлишлари мумкин. ISIC App қуйидаги мамлакатларни қамраб олган:

⁴⁸<https://www.isic.org/cards/> (Мурожат санаси: 29.03.2018)

Ёшлар туризм ташкилотларининг ёзги мактаблари

Fransiya mamlakatda turizmning barcha turlari rivojlangan, jumladan yoshlar turizmi, sotsial turizm, bolalar turizmi, qariyalar turizmi va oilaviy turizm. Fransiyada “yoshlar” tushunchasiga aniq tarif berilmagan. Ammo demografik va statistik malumotlarni o‘rganuvchi jamoat institutlari yoshlarni 16-25 yoshgacha bo‘lgan intervalda qabul qilgan[6]. Talabalar xalqaro darajadagi hostellarda joylashishlari uchun, biror-bir tashkilotning a‘zosi bo‘lishi talab etiladi, misol uchun, FIAJ (Federation International des Auberges de Jeunesse) Hostelling International) Xalqaro yoshlar hostellari federatsiyasi, FUAJ tarmog‘i (Federation Unie des Auberges de Jeunesse) yoki LFAJ (Ligne Francaise des Auberges de Jeunesses) shu va shu kabi bir qator tashkilotlar talabalar va yosh ilmiy xodimlarning dunyo bo‘ylab sayohat qilishiga ko‘maklashishadi. Hostellarni tashkil etish g‘oyasi ilk marotaba Germaniyada maktab o‘qituvchisi Schirmen Altena tomonidan XX asrning boshlarida ilgari surildi va amaliyotga joriy etildi. “Yoshlarga dunyoni ochishga va o‘rganishga imkon ber” g‘oyasi asosida o‘z faoliyatini tashkil etgan. Fransiyada hostellarni tashkil etish Mark Sange tomonidan amalga oshirila boshlandi. Shu asosida 1939-yilda Fransiyada ko‘plab hostellar tashkil etildi va 1956-yilda Fransiya yoshlar hostellari federatsiyasi tashkil topdim [7] FUAJ hostellar federatsiya tarkibiga mamlakat bo‘ylab shaharlarda, qishloqlarda va sohil bo‘ylarida o‘n ming o‘ringa ega bo‘lgan 93 ta hostellar o‘z faoliyatini olib borishmoqda [8]. Ushbu hostellar faqatgina yoshlarni turar joy bilan ta‘minlab qolmasdan, ularga turli xil madaniy, ma‘rifiy va sport turlarini taklif etishadi. Fransiya hukumati yoshlar va ularning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy manfaatlarini himoya qilishda alohida dasturlar qabul qilishmoqda. Yoshlarning ta‘tilini va madaniy xordiqini tashkil etish maqsadida Fransiya 700 000 EURO miqdoridagi dastur qabul qildi. Dasturda butun Fransiya bo‘ylab noqulay hududlardan 2500 nafar (16 yoshdan 25 yoshgacha bo‘lganl) yoshlar ishtirok etishadi.

Bunda Shahar Vazirligi(Ministère de la Ville), Mintaqalar tengligi bo'yicha umumiy komissiya (the General Commission for the equality of territories CGET) hamda Yevropa yoshlar fuqaroligi bilan birgalikda umuman yoki juda kam sayohat va dam oluvchi noqulay hudud yoshlarini qo'llab quvvatlash maqsadida tashkil etilgan. Dastur 4 kundan 14 kungacha maktab ta'til kunlarida tashkil etiladi [7].

“Euroculture” tashkiloti barcha yoshdagi bolalar va o'smirlar uchun alohida-alohida turlar tashkil etadi va bu turlarning narxlari kelishilgan holda belgilanadi. Har bir turda yoshlarning xavfsizligi va sog'lligi inobatga olinadi. Mavjud tur-paketlar maktab bolalari, kollej va litsey o'quvchilari, universitet talabalari hamda sport klublarining qatnashchilari uchun tuzib chiqilgan bo'lib, yosh sayohatchilar u yerdan o'zlariga mosini tanlay olishadi. Mana shunday tashkilotlar qatoriga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

“Leading the way-Pioners in Youth Tourism” “Yosh A'lochilar Turizmi” tashkiloti -1966-yildan buyon Fransiyalik yoshlarni Birlashgan Qirollikka sayohatga olib borish bilan bir qatorda Britanlarnig madaniyati haqida kengroq tushunchaga ega bo'lishiga ko'maklashadi.

“Ground breaking-Breaking Down Barriers, Bringing young people together” - “To'siqlarni yengib,yoshlar bilan birga” nomli tashkilot –Sovuq Urush yillarida Yevropa mamlakatlari orasiga tushgan nizolarni bartaraf etish maqsadida, davlatlarning bir-biri bilan to'siqsiz aloqa qilishlari uchun, ertamiz egalari bo'lgan yoshlarga o'zaro fikr almashishlari uchun koonferensiyalar tashkil etilgan. Xususan, “International Youth Conference on World Environmental Problems” Atrof-muhit muammolari yoshlar konferensiyasi, davlatlararo tinchlik va birlikni saqlashga xizmat qilib kelmoqda.Bunda yoshlar jahonda mavjud muammolarga o'zlarining qarashlari bilan yechimlar topishadi.“Euroculture” 2016-yilda o'zining 50 yillik yubileyini nishonladi. Shu vaqtga qadar u bir qancha bosqichlarni bosib o'tdi: 1966-yil madaniy almashinuv asrining boshlanishi bo'lib, bu o'z navbatida yoshlar sayohatini tashkil etilishiga asos bo'ldi. 1967-yil “Euroculture” guruhi ilk

marotaba Fransiyadan Sharq tomon yo'l oldi. Keyinchalik yozda Tuniz va Jazoidan mehmonlar tashrif buyurishdi. Yil oxirida guruh o'zining birinchi "Olia bullitennini" nashrdan chiqardi. Tashkilt o'zining maqsadini quyidagicha izohlagan: "bilimni oshirishda xalqlar oilasi bilan aloqa munosabatlarini rivojlantirish". 1969-yil ikkinchi jayon urushi tugaganiga qariyb chorak asr o'tgandan keyin Germaniyadan ilk guruh tashrif buyurdi. 180 nemis o'quvchilari mehmondo'st oilalar tomonidan qabul qilindi.1971-yil kompaniya Shimoliy Xavrovda kattaroq muassasaga ko'chirildi.1979-yil 4276 nafar xorij talabalriga 80 260 kunlik joylashtirish xizmatlarini taqdim etdi.1991-yil ikkinchi "xalqaro jahon atrof-muhit muammolari yoshlar konferensiyasi" tashkil etildi. Bunda 43 mamlakatning delegatlari tashrif buyurishgan 1993-yil "Euroculture" FIYTO (the Federation of International Youth Travel Organisations) – Xalqaro yoshlar sayohati tashkiltlari federatsiyasining to'laqonli a'zosiga aylandi. 1997-yil "Euroculture" o'zining websahifasini yaratdi.2003-yil "Euroculture" Buyuk Britaniya maktablari uchun Fransiya markazlarini taklif etdi. 2007-yil "Euroculture" Ta'lim va malaka oshirish bo'limi bilan "Sinf dan tashqari o'rganish" loyihasini qo'llab-quvvatlashga kelishib olindi. 2008-yilda "Euroculture" maktab sayohatlari uchun o'zining birinchi brashyurasini taqdim etdi.

Халқпро ва маҳаллий талабалар учун турли хил “Ёзги мактаб”ларни ташкил этиш. Бундай мактаблар икки хил усулда ташкил этилади:

- Давлат грантларини ютиб олиш асосида (қисман ёки тўла)
- Иштирокчиларнинг ўз ҳисобидан

Таълим муассасаларининг маҳаллий ҳамда хорижий ёш туристларга “Ёзги мактаб: ўзбек маданияти ва тилини ўрганиш” дастурларини жорий қилиш. Дастур бугунги кунда энг кенг тарқалган ёшлар туризмнинг тури ҳисобланади. Ўзбекистон ёшлар саёҳатларини қўллаб қувватлаш орқали ўзининг маданияти ва тарихини кенг жаҳонга ёйишга ҳамда келажакда туризм хизматлари истеъмолчиларини кўпайтиришга асос яратди. Асосан саёҳат қилувчи ёшлар, талабалар ҳамда мустақил изланувчилар бўлишади ва

улар учун айнан махсус турар жойлар ташкил этилади, айнан уларнинг талабларига мос келадиган дастурлар яратилган.

Ёшлар туризмида тадбирлар ва фестиваллар фаолияти

Қадим замонлардан буён халқлар ўзларининг миллийлигини намоён қиладиган турли хил тадбирлар, даромадли савдо кўرғазмалари, оммавий спорт мусобақаларини ўтказиб келишган. Бундай тадбирлар кишилик жамиятининг муҳим қисми бўлиб, уларнинг тарихи асрларга ва ҳаттоки мингйилликларга бориб тақалади. “Тадбир”нинг умумий аниқ бир маъноси мавжуд эмас. Кўпгина олимларнинг таъкидлашича, тадбир иқтисодий жиҳатдан хизматлар иқтисодиётининг бир қисми сифатида, бошқа жиҳатлардан эса муҳитнинг маълум характеристикаси натижаси сифатида эътироф этилади. “Тадбир” (евент) – учрашув, съезд, махсус тадбир ва бошқ.ларни ташкиллаштириш ҳодисадир⁴⁹. Тадбирлар одатда турли хил, бир – бири билан узвий боғланган функциялардан ташкил топган. Махсус тадбирларнинг 6 жиҳати мавжуд⁵⁰. Улар:

1. Туризмни ривожлантириши ёки туристларни жалб қилиши;
2. Маълум (чегараланган) муддатда бўлиши;
3. Такрорланмас ёки ноёб бўлиши;
4. Минтақанинг кўриниши, тасвири ёки хабардорлигини ошириши;
5. Ижтимоий тажрибани тақдим этиши;
6. Оддийликдан йироқ бўлиши.

Тадбирларни таснифлаш учун турли хил мезонлар мавжуд. Уларни ҳажми ва кўлами жиҳадан қуйидаги 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Мега тадбирлар
2. Муҳим (Ҳаллмарк) тадбирлар
3. Асосий тадбирлар

⁴⁹The Accepted Practices Exchange Industry Glossary of TERMS (APEX, 2005).

⁵⁰BizInfo Journal, year 2015, Volume 6, Number2, pp. 83-97.

4. Маҳаллий тадбирлар

Мега тадбирлар – бу мезбон мамлакатнинг умумий иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи ва ОАВ томонидан глобал миқёсида қамраб олинadиган тадбирлардир. Иқтисодий жиҳатдан мега тадбирлар мезбон мамлакатнинг иқтисодий ва туристик инфратузилмасига кучли ижобий таъсир қилади. Улар одатда спорт соҳасига тегишли мега тадбирлар бўлиб, уларга Олимпиада ўйинлари, Параолимпиада ўйинлари, ФИФА Жаҳон кубиги ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Спорт тадбирлари ижтимоий фаолиятнинг муҳим ва таъсирчан шакли сифатида эътироф этилади.

Муҳим (Ҳаллмарк) тадбирлар – фарқли жиҳатларга эга бўлган дастурли тадбирлар ҳисобланади. Бундай тадбирлар мезбон мамлакатнинг мақоми, кенг миқёсида тан олинishi каби характерлари ва табиати билан аниқланади. Ҳаллмарк тадбирлар ҳам қатнашувчилар, ҳам ташриф буюрувчилар учун алоҳида аҳамиятга эга. Улар омманинг эътиборини ўзига жалб қилади, йўналишни тасаввур қилишга ҳисса қўшади, анъаналарни сақлайди ва унинг аҳамиятини оширади. Ҳаллмарк тадбирларнинг классик намуналари сифатида Риодаги карнавал, Мюнхен ва Вимблдондаги Октобефест, Самарқанддаги “Шарқ тароналари”ни мисол келтиришимиз мумкин.

Асосий тадбирлар – бу кенг кўламли, кучли оммавий қизиқиш ва матбуотда ёритиладиган тадбирлардир. Бундай тадбирлар кўп сонли ташриф буюрувчиларни жалб қилади ва ташкилотчиларга яхши иқтисодий натижаларни қўлга киритишга ёрдам беради. Тадбирларни бошқариш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бундай тадбирлар одатда спортга қаратилган бўлади.

Маҳаллий тадбирлар – бу асосий эътиборни маҳаллий аҳолига қаратишни мақсад қилади ва асосан ижтимоий, қизиқарли ва дам олиш мақсадида ташкиллаштирилади. Бундай тадбирлар одатда жамиятда миллий ғурур ва

ифтихорни уйғотиш, ватанпарварлик туйғусини яратиш ва кучайтириш каби катор фойдали жиҳатларни намоён қилади. Шу билан бирга бундай тадбирлар гоёлар ва тажрибаларни очишга ёрдам беради, спорт ҳамда санъатда иштирок этишга руҳлантиради.

Тадбирлар уларнинг тузилиши ва таркибига кўра қуйидагича таснифланади:

- Маданий байрамлар
- Санъат ва дам олиш
- Бизнес ва савдо
- Спорт мусобақалари
- Рекреация
- Таълим ва илмий
- Сиёсий ва давлат
- Хусусий тадбирлар.

Тадбирлар туризмда тутган ўрнига кўра категорияларга бўлиб, уларнинг асосийлари туристларга йўналтирилган. Шу жиҳатдан улар қуйидаги уч категорияларга кўра таснифланади⁵¹:

1. Асосан маҳаллий аҳоли учун ташкиллаштирилган фестиваллар ва тадбирлар бўлиб, улар одатда кўнгиллилар ёрдамида амалга оширилади. Шу жиҳатга кўра улар кичик бўлиб, деярли туристларни ўзига жалб қилмайди.
2. Минтақа ва регионлар даражасидаги тадбирлар бўлиб, улар кўпгина туристларни жалб қилиш хусусиятига эга. Одатда улар профессионал жамоа томонидан ташкиллаштирилади.
3. Миллий ва халқаро даражадаги тадбирлар бўлиб, энг кўп туристларни жалб қилади. Бундай тадбирлар халқаро ва маҳаллий туристларни жалб қилади. Маҳаллий тадбирлардан фарқли жиҳати

⁵¹“Event tourism: Definition, Evolution and Research” 29(3),Getz. 2008.

шундаки, бу тadbирлар асосан туристларга ва уларни кўпроқ жалб қилишга қаратилган бўлади.

Туристлар маълум бир тadbирда қатнашиш мақсадида келганда, улар албатта тadbирдан олдин ёки кейин ҳам қoлишга ҳаракат қилишади. Улар бу йўналишда таклиф қилинган маҳсулотларни сотиб олишга интилишади. Натижада тadbирлар маҳаллий бизнесни рибожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишади.



31-rasm. Tadbirlarni ularning shakliga qarab tasniflanishi.⁵²

⁵²GETZ, 2008.

3.2. Ёшлар туризмни ташкил этишда хавфсизликни таъминлаш.

Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек туристик аҳамиятга молик жойларда хизмат кўрсатиш сифатининг юқори даражада бўлишига эришишни бошқа ижтимоий ёки миллий манфаатлардан, хусусан, қабул қилувчи мамлакат ҳамда бутун атроф муҳит манфаатларидан ажратиш мумкин эмас. Ўз-ўзидан аёнки, туризм ҳамда туристларни ҳимоя қилиш соҳасида хавфсизлик қоидаларини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этишда ташриф буюрувчилар билан қабул қилувчилар манфаатларининг муштараклигини таъминлаш зарур. Гап шундаки, туризм мамлакатга фоҳишабозлик, қулфурушлик, контрабанда, маданий конфронтация сингари салбий ҳодисаларни ҳам олиб кириши мумкин. қолаверса, ўзи ташриф буюрган мамлакатда жиноий унсурларга тўқнаш келган, тиббий ёрдам олиш, давлат органларининг ҳимоясига умид қилиш имкониятига эга бўлмаган турист оғир аҳволда қолиши мумкин.

Экспертлар қайд этишича, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва туризм соҳасида ҳимоя туристик аҳамиятга молик мамлакатда ёки жойда кўплаб қоида ва қарорлар билан боғлиқ бўлиб, улар нафақат туристик фаолият маъмурияти томонидан, балки турли иқтисодий ва ижтимоий тармоқларда, хусусан:

- соғлиқни сақлаш;
- жамоат тартиби (полиция, божхона, чегара хизмати);
- молия (солиқ хизмати, банклар);
- савдо ва маиший хизмат;
- транспорт;
- энергетика, коммуникациялар;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

- аҳолини иш билан таъминлаш ва ҳудудни ривожлантириш соҳаларида фаолият кўрсатувчи бошқа бир қанча маъмурий органлар томонидан ҳам бажарилиши лозим.

Мазкур жараёнда хусусий секторнинг иштирок этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зотан, дунё бўйича ташкил этиладиган барча сафарлар ва ташрифларнинг камида 710 қисми хусусий секторга тўғри келади⁵³. Табиийки, алоҳида эҳтиёт чоралари бу миқёсда ҳам кўрилиши лозим. Туристлик фирмалар ўзлари ташкил этувчи турларда саёҳатчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш талабларини бажаришдан бўйин товламасликлари керак. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни 10-моддасига биноан, «туристик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Туристлик фаолият субъектининг туристик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб бўлади». Яъни ҳар қандай турнинг барча хавфсизлик параметрлари текшириб кўрилиши керак, акс ҳолда у туристик бозорда амалга оширилиш мумкин эмас. Баъзи бир маълумотларга қараганда, туристлар тўқнаш келадиган ҳар хил муаммолар кўпинча улар саёҳатнинг муайян шарт-шароитлари, хусусан, мамлакат, яшаш, овқатланиш хусусиятлари, чет элликларга маҳаллий аҳолининг муносабати ҳақида олдиндан огоҳлантирилмаганлиги билан боғлиқ. Ваҳоланки, турист саёҳатга тааллуқли тўлиқ ва ишончли ахборот олиш, шахсий хавфсизлик, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шунингдек ўз мол-мулкининг асралиши ҳуқуқига эга (14-модда). Боз устига, қонуннинг 17-моддасига мувофиқ,

⁵³ Z.O.Raximov va A.A.Karimov „Turopereyting“ fani Samarqand 2017-y

туристик фирма «туристларга турни ташкил қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ ахборот бериши шарт».

Шунга қарамай, мавжуд қонунлар ва қарорларга амал қилмаслик, шунингдек уларнинг номукамаллиги туристик фаолият соҳасида жиддий муаммоларни юзага келтирмоқдаки, уларни ҳал қилиш учун туризм масалалари билан шуғулланувчи шахслар туризмда хавфсизлик масаласига глобал миқёсда ва сурункали асосда катта масъулият билан, фаол ёндашишлари талаб этилади. Айрим тадқиқотларга қараганда, туристларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар ҳар 10 ҳолатдан 4 тасида хавфсизлик учун масъул органлар ўз вазифаларини бажармаслиги оқибатида келиб чиқади. Юқорида зикр этилган қонуннинг 15-моддасига биноан, турист божхона ва чегара назорати қоидаларига, борилган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт. Агар у мазкур қоидаларни бузгудек бўлса, ўз шахсий хавфсизлигини хавф остида қолдиради. Бошқа томондан, қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан қафолатланади. Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар». Бу мазкур муаммога давлат алоҳида аҳамият беришини кўрсатади.

Туристларни террористик актлардан ва умуман жиноий қилмишлардан ҳимоя қилишга, шунингдек туристларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлиғини сақлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўз-ўзидан аёнки, туристларнинг ҳамда туристик объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамisha жиноятчилик ва зўрлик ишлатишни бартараф этишга, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва сақлашга (айниқса, туристик фаолият ҳудудида) йўналтирилган бошқа барча қонун ҳужжатларига боғлаб ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши лозим. Масалан, Ўзбекистонда туризм билан боғлиқ фаолият нафақат туризм тўғрисидаги қонун билан, балки алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар, ўрмон, корхоналар, ташқи иқтисодий фаолият, реклама, оммавий ахборот воситалари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар, муайян хизматларга белгиланган давлат стандартлари, шунингдек Жиноят, Солиқ, Божхона кодекслари билан ҳам тартибга солинади. Айрим баҳолашларга қараганда, Ўзбекистонда туризм фаолияти соҳасида элликка яқин юридик ҳужжатлар, шу жумладан қонунлар ва ҳукумат қарорлари амал қилади.

Бундан ташқари, Жаҳон туристик ташкилоти ўз ҳужжатларида бошқа мамлакатларга туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида, айнақса, туристик фаолият ҳудудида, масалан, эпидемиялар, террористик актларни амалга ошириш хавфи, шунингдек саёҳатчилар ва уларнинг мол-мулкига қарши жиддий ва кўп сонли жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари билан шуғулланувчи махсус орган тузишни тавсия этади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш идоралараро кенгаши Ўзбекистондаги мана шундай ташкилот ҳисобланади. Мазкур Кенгаш таркибига Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат Божхона қўмитаси, Давлат Солиқ қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа идораларнинг вакиллари киради.

Бундан ташқари, туристлар тўқнаш келиши мумкин бўлган асосий хавф-хатарлар (касаллик, ўғрилиқ, репатриация)дан уларни суғурталашни таъминлаш, хусусан, бу соҳадаги келишувларни, айниқса, суғурта компаниялари, барча туристик корхоналар ва бошқа манфаатдор томонлар (аҳоли, ҳокимият органлари) ўртасидаги келишувларни рағбатлантириш учун зарур барча чора-тадбирларни кўриш лозим.

Туризм хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш соҳасидаги халқаро тажриба Жаҳон туристик ташкилоти (ЖТТ) томонидан тадқиқ қилинади ва умумлаштириб борилади. Туризм Хартиясида ва Турист кодексида (ЖТТ Бош ассамблеясининг VI сессияси, 1985 йил), Туризм бўйича Гаага парламент конференциясида (1989 йил) саёҳатларнинг хавфсизлигини таъминлаш шартлиги қайд этиб ўтилган. 1994 йили ЖТТ Ижроия Кенгаши қошида саёҳатларнинг хавфсизлиги учун жавоб берувчи Туристик хизматлар кўрсатиш сифати бўйича кўмита ташкил этилди. Шу йили ЖТТ «Саёҳатчилар, туристлар ва туристик объектлар хавфсизлиги ҳамда уларни ҳимоя қилиш» мавзусида жаҳоннинг 73 мамлакатида тадқиқот ўтказди. 1995 йили ёзда ЖТТ ташаббуси билан Эстерунд (Швеция)да туризм хавфсизлиги ҳамда саёҳатлар чоғида хавф-хатарларни камайтириш бўйича И халқаро конференция ўтказилди. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, жаҳон мамлакатларининг 71% да туристлар ташриф буюрадиган объектлар махсус туристик полиция ёки хавфсизлик хизмати томонидан кўриқланади. Мамлакатларнинг ярмидан кўпида бундай хизмат давлат полицияси ёки муниципал полициянинг таркибий қисми ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Халқаро денгиз ташкилоти (ИМО), Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИСКАО), Атроф муҳит бўйича БМТ дастури (ЮНЕП), Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (Интерпол), БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ), Иқтисодий ҳамкорлик ва

ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон савдо ташкилоти сингари халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари туризм масалалари билан бевосита ёки билвосита шуғулланади. Кўпгина иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар ҳам туризм муаммолари билан шуғулланади. Халқаро талабалар хавфсизлиги хизмати ассоциацияси – International Association for Student Insurance Services ISTC аъзоларининг саъй-ҳаракати асосида ёшлар ва талабаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1951-йилда Халқаро талабалар хавфсизлиги хизмати ассоциацияси ташкил этилди. Бир неча йиллар давомида ISIC маҳсулоти ёшлар ва талабаларнинг саёҳат эҳтиёжларини қондириб келмоқда. IASIC, ISTC ташкилотларига аъзолик орқали ISIC маҳсулоти такомиллаштирилади, талабалар суғуртасининг янги шакли яратилади, талаб бозори баҳоланади ва жамиятнинг суғурта соҳасидаги талаблари намойиш этилади. IASIC Гоуда суғурта компанияси билан ISIC маҳсулотини ягона таъминловчиси сифатида махсус икки томонлама алоқаларни ўрнатган.

Туризмни ривожлантиришнинг давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган айрим функционал жиҳатлари 5-жадвалда келтирилган. Дарвоқе, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасида ўз сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш учун ЖТТ давлатларга ўз сиёсий ва маъмурий тизимлари доирасида, бир томондан, барча миқёслардаги ваколатли департаментлар билан ҳамда, иккинчи томондан, меҳмонхона эгаларининг ташкилотлари, туристик агентликлар, авиакомпаниялар ва туризмда хавфсизлик билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан манфаатдор бўлган барча ташкилотлар ва органлар билан самарали ҳамкорликни ривожлантиришни тавсия этади.

2-жадвал

Туристлар хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишнинг айрим функционал норматив-ҳуқуқий жиҳатлари

Туристларга қандай ҳуқуқлар берилиши лозим	қандай чора-тадбирлар кўрилиши керак	Давлат сектори ҳамда хусусий сектор нима қилиши керак
Туристнинг шахсига ёки мол-мулкига жиддий тажовуз қилиниши муносабати билан энг тез алоқа воситалари ёрдамида ўз оиласига хабар бериш	Турист келган мамлакатда унинг шахсига ёки мол-мулкига жиноий тажовуз қилиниши муносабати билан унинг ҳаётини ва мол-мулкини сақлаб қолиш мақсадида уни ўз мамлакатига тез репатриация қилиш	Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича хабардорлик даражасини ошириш учун туризм ходимлари ва жамоатчилик орасида ахборот тарқатиш
Миллий ижтимоий суғурта тизими доирасида тез ва мувофиқ тиббий ёрдам олиш	Ўғирланган ва кейинчалик топилган мол-мулкни турист келган мамлакатга қайтариш	Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш учун бевосита ёки билвосита жавобгар бўлган турли касб эгаларини тайёрлашни барча зарур воситалар билан рағбатлантириш
Чет элликдан гаров пули киритишни талаб қилмасдан, туристга тажовуз қилган шахсларга қарши	Туристларга ёки маҳаллий аҳолига қарши бундай ҳаракатларга бошқа йўл қўймаслик учун	Туристлар ҳаёти ва мол-мулкини кўриклаш чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиш, салбий оқибатларга

миллий судда суд иши, шу жумладан жиноят иши очиш ҳамда юримдик ёрдам олиш	ишни судда кўриш	йўл кўймаслик махсадида саёхат пайтида содир бўлувчи барча жараёнларни тартибга солиш
---	------------------	---

шарт.

Бундан ташқари, туристик аҳамиятга молик инфратузилма объектлари мавсум пайтида ўқтин-ўқтин юзага келадиган туристларнинг катта-катта оқимларини атроф муҳитга ва умумий овқатланиш соҳасидаги санитария ҳолатига салбий таъсирларсиз қабул қилиш лаёқатига эга бўлишини таъминлашни қонун йўли билан тартибга солиш чора-тадбирлари ҳам кўрилиши лозим. Соғлиқни сақлаш чора-тадбирларини кўриш лозим деб топилган ҳолларда туристларга уларнинг салбий таъсирини мумкин қадар чеклаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Баъзан туристлар эксплуатация, зўрлик ишлатиш объектларига айланадилар. Бу муносабат билан мазкур жиноий хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчиларига нисбатан қаттиқ чоралар кўриш зарур, акс ҳолда мамлакат туристик сафарга чиқиш тавсия этилмайдиган мамлакатлар рўйхатига киритилиши мумкин. Бошқа томондан, шундай салбий ҳодисалар ҳам учраб турадики, баъзан туристик фирмалар маълум шахсларни фоҳишахоналарда ишлаш, норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун чет элга турист сифатида махсус юборадилар. Ваҳоланки, мазкур соҳалар кўпинча уюшган жиноятчилик таъсири остида бўлади.

Туристлар билан жисмоний (ёки юридик) шахслар ўртасида юзага келувчи баҳсларни суддан ташқарида тез ҳал қилиш учун ЖТТ экспертлари тегишли орган, масалан, умумий ёки махсус ваколатларга эга бўлган Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ёки шикоятлар бўйича воситачи орган тузишни тавсия этадилар. Туристлар уларга мурожаат этиб, юзага келган муаммоларни ҳал қилишлари мумкин, чунки бу уларнинг

ҳуқуқий манфаатлари, шу жумладан хавфсизлик соҳасидаги манфаатлари билан боғлиқ.

Туристлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлатлараро ҳамкорлик ҳам, айниқса, табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар, йирик авариялар ва эпидемиялар содир бўлган ҳолларда, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Боз устига, туристлар ҳаёти ёки мол-мулкига жиддий тажовуз қилинган, айниқса, улар террористик актлар натижасида жабр кўрган ҳолларда қабул қилувчи мамлакат зудлик билан туристлар келган мамлакатга (агар имконият бўлса, дипломатик ёки консуллик ваколатхоналари орқали) жабр кўрган шахсларнинг соғлиғи ҳамда юқорида зикр этилган ҳодисанинг тафсилотлари тўғрисида барча зарур ахборотни тақдим этиши шарт.

Туризм бўйича 1989 йил Гаага Декларациясининг 8-тамойилида шундай дейилади: «Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш туризмни ривожлантиришнинг зарур шартидир»⁵⁴. Бу муносабат билан экспертлар кўйидагиларни таклиф қиладилар:

- туристик сафарлар, саёҳатлар ва ташрифларни соддалаштириш чора-тадбирларини туристларнинг ҳамда туристик объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан бирга амалга ошириш;
- бу мақсадда туристларнинг ҳамда туристик объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишга йўналтирилган самарали сиёсатни ишлаб чиқиш;
- туристлар фойдаланганлиги учун алоҳида эътибор беришни тақозо этувчи туристик товарлар, объектлар ва асбоб-ускуналарни аниқ белгилаш;

⁵⁴ Uvarov V.D., Borisov K.G. Международное туристские организации. Справочник. Москва, Международное отношения, 1990, с. 228.

- тегишли ҳужжатлар ва ахборотни тайёрлаш ҳамда туристик объектларга хавф-хатар таҳдид солган ҳолларда мазкур ҳужжатлар ва ахборотдан фойдаланилишини таъминлаш;
- ҳар бир мамлакатнинг қонунчилик тизимига хос тартиб-таомилларга мувофиқ, туристларни ҳимоя қилиш соҳасидаги юридик қоидаларни бажариш;
- туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш масалаларини тартибга солувчи чора-тадбирлар дастурларини тузишда давлатлар ЖТТ доирасида ҳамкорлик қилишларига эришиш.

Ҳар бир меҳмон мамлакатимизга ташриф буюрганда асосий хизматлари жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, экскурсия)дан ва кўшимча хизматлардан фойдаланганда барча хавфсизлик хизматларидан тўғри фойдаланиши талаб этилади.

Хавфсизлик хизматининг асосий вазифаси – қилинган жиноятларни тергов қилиш эмас, балки уларнинг олдини олишдир. Буни алоҳида эътиборга, назарга олиш керак, хавфсизлик хизмати ходимининг ҳуқуқлари тергов чоғида полицияникидан анча чекланган бўлади: улар сўроқ қилиш, тинтув ўтказиш ва бошқа ҳаракатларга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.11.2017 йилдаги 939-сон қарори билан Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси тасдиқланди. **У тўртта асосий йўналишни ўз ичига олади:**

1. Хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича ички ишлар органлари тузилмасини ва фаолиятини ташкил этиш услубларини такомиллаштириш. Шу тариқа, Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё ИИБда вазият марказлари фаолият кўрсатади. Уларнинг вазифалари: хавфсиз туризм

ҳолатини мониторинг қилиш, сайёҳларни бўлғуси хавф-хатарлар ҳақида реал вақт режимида огоҳлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам бериш.

Юқорида кўрсатилган вилоятлар ИИБларида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилади. Уларнинг бошлиқлари бир вақтнинг ўзида ИИБ бошлиқлари ўринбосарлари ҳисобланади, шахсий таркиб эса танлов асосида, биринчи навбатда, чет тилларини биладиган ходимлар жумласидан шакллантирилади;

2. Мамлакатимизда бўлиш, транспортдан фойдаланиш ва кўчиб юриш даврида сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш. Хусусан, сайёҳлик соҳасида хизмат кўрсатадиган ва келган сайёҳларни рўйхатга олишни юритадиган давлат ва нодавлат объектлар (ташкилотлар) ягона ахборот маълумотлар базасини яратиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, мамлакатда бўлиш қоидалари, виза ва рўйхатга олиш таомиллари, яқин жойлашган диққатга сазовор жойлар тўғрисидаги ахборот ва бошқа фойдали маълумотларни ўз ичига олган мобиль иловаларни ишлаб чиқиш кўзда тутилаётир;

3. Сайёҳларнинг яшаш жойлари, меҳмонхоналарга жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш хавфсизлигини таъминлаш. Бунинг учун ҳар бир меҳмонхона фаолиятига келган сайёҳларнинг маълумотлар базасини шакллантиришга ёрдам берадиган «Йе-меҳмон» электрон ахборот тизими жорий этилади. Меҳмонхоналарга киришларда кечаю кундуз видеокузатув олиб борилади.

Бундан ташқари, «Хавфсиз туризм» ягона аппарат-дастурий комплекси жорий этилади. Бу видеокузатув, ахборотни таҳлил қилиш ва автоматлаштирилган қайта ишлаш, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш тизимидир;

4. Сайёҳлик диққатга сазовор жойларига ташриф буюришда ва кечки дам олиш вақтини ташкил этишда сайёҳлар, расмий хорижий делегацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш. Сайёҳларнинг яқка тартибдаги махсус техник ҳимоя воситаларига талабларни ишлаб чиқиш ва ўрнатиш кўзда тутилган.

Хулоса

Ўлкамизнинг яна бир хусусиятларидан бири –бу тўрт фаслдан иборат эканлиги бу ерда экологик туризмни ривожлантиришда қулай имкониятларни беради. Бугунги кунда ўта муҳим глобал миқёсидаги муаммолардан бири – она табиатимизни асраб-аваляш бўлиб, тўғри муносабатда бўлишни ёшларга (талабаларга) туризм орқали ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, ёшлар учун **экологик туризм** дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Ёшлар туризми статистикасини йўлга қўйиш ва бу борада туристик фирма ва меҳмонхоналар, масъул ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим;

Ёшлар туризми бошқа туризм турларидан иштирокчиларнинг ёши, қизиқишлари, кўнгилочар воситаларини танлаш, молиявий маблағларнинг чекланганлиги, жойлашув воситаларининг ўзига хослиги, ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланишдаги афзалликлари билан фарқланади;

Ёшлар туризмида иштирок этишга махсус талабалик гувоҳномалар, абзолик карточкалари, яъни ISIC (халқаро талабалар идентификацион картаси)карточкалари жорий қилиш;

Ёшлар учун жойларда **Book-cafe** кафелари ташкил этиш;

Халқаро ва ҳудудий ёшлар фестиваллари, симпозиумларини ташкил этиш;



O'zbekiston Respublikasi
Oliy va O'rta maxsus ta'lim vazirligi
Samarqand Iqtisodiyot va Servis Instituti
"Xalqaro turizm va turizm servisi kafedrası"

Turistik xizmat xodimi uchun so'rovnoma

Hurmatli mutaxassis xodim xizmat ko'rsatishni yaxshilash hamda uning samaradorligini oshirish bo'yicha so'rovnoma ishiga qatnashganingizdan juda minnatdormiz. Olingan ma'lumot turizm sohasini rivojlantirish, ayniqsa yoshlar turizmini takomillashtirish yo'lida nimaga e'tibor berish kerakligini bilish uchun qo'llaniladi.

Qimmatli vaqtingizni ayamasdan ishonarli ma'lumot berganingiz uchun sizga tashakkur. Mexrangiz Xusenova, Samarqand iqtisodiyot va servis instituti TFT-115 guruh, 2-bosqich talabasi, (+99890)6058698, Margaret_teacher@mail.ru

Ism sharifingiz: _____

Korxonangiz nomi: _____

Kasbingiz: _____

Tugatgan ta'lim dargohingiz: _____

Turizmدا ish tajribangiz: _____(yil) Yoshingiz: _____

Sana: _____

1.	Jinsi	<input type="checkbox"/> Ayol <input type="checkbox"/> Erkak
2.	Yoshi	<input type="checkbox"/> 16-19 yosh <input type="checkbox"/> 20-25 yosh <input type="checkbox"/> 26+ yosh
3.	Oilada nechta farzand bor	_____
4.	Tug'ilgan joyi	<input type="checkbox"/> Tuman <input type="checkbox"/> Shahar
5.	Viloyat	_____
6.	Ta'lim turi	<input type="checkbox"/> O'rta <input type="checkbox"/> O'rta maxsus <input type="checkbox"/> Oliy
7.	Ta'lim yo'nalishi	_____
8.	Sayohatingiz(dam olishingiz) uchun ajrata oladigan mablag'ingiz(so'm)	<input type="checkbox"/> 15 000 <input type="checkbox"/> 30-45 000 <input type="checkbox"/> 60-100 000 <input type="checkbox"/> 120-200 000 <input type="checkbox"/> 250-300 000 <input type="checkbox"/> 500-800 000
9.	Oxirgi 1 yil ichida qilgan sayohatlaringiz	<input type="checkbox"/> yo'q <input type="checkbox"/> 1-2 marta <input type="checkbox"/> 3-4 marta <input type="checkbox"/> 5 va undan oritq
10.	Oxirgi 2 yil ichida qilgan sayohatlaringiz	<input type="checkbox"/> yo'q <input type="checkbox"/> 1-2 marta <input type="checkbox"/> 3-4 marta <input type="checkbox"/> 5 va undan ortiq.
11.	Oxirgi marta oilangiz bilan qilgan sayohatingiz?	<input type="checkbox"/> oxirgi 1-2 oy <input type="checkbox"/> oxirgi 6 oy <input type="checkbox"/> oxirgi 1 yil <input type="checkbox"/> oxirgi 2 yil
12.	Daromadingiz manbayi	<input type="checkbox"/> Shaxsiy biznes: _____ _____ <input type="checkbox"/> Ota-ona: _____ <input type="checkbox"/> Boshqa: _____ _____
13.	Sayohatning qaysi turini tanlagan bo'lar edingiz?	<input type="checkbox"/> Tarixiy obidalar <input type="checkbox"/> Muzeylar <input type="checkbox"/> Tabiat (tog'lar, milliy parklar,) <input type="checkbox"/> Qadimiy shahar qoldiqlari <input type="checkbox"/> Gastronomiya (ovqatlarni tatib ko'rish) <input type="checkbox"/> Shahar arxitekturasi <input type="checkbox"/> Ko'ngil ochar tadbirlar <input type="checkbox"/> Qishki sport, faoliyat
14.	Qaysi davra bilan sayohat qilishni istardingiz?	<input type="checkbox"/> Oilaviy <input type="checkbox"/> Guruh <input type="checkbox"/> Yakka <input type="checkbox"/> boshqa _____

15.	Ta'tilingizni qanday o'tkazishni ma'qul ko'rar edingiz?	<input type="checkbox"/> Suv havzalari bo'yida dam olish <input type="checkbox"/> Turistik sayohatlar <input type="checkbox"/> Sanatoriyalarda dam olish <input type="checkbox"/> Ekskursiyalarga chiqish <input type="checkbox"/> Uyda <input type="checkbox"/> boshqa _____
16.	Dam olish kunlari (shanba, yakshanba)ni qanday o'tkazishni ma'qul ko'rasiz?	<input type="checkbox"/> Ekskursiyalar <input type="checkbox"/> Sport <input type="checkbox"/> Piknik <input type="checkbox"/> Uyda dam olish <input type="checkbox"/> Turistik sayohatlar <input type="checkbox"/> Uy ishlari <input type="checkbox"/> Do'stlar davrasida <input type="checkbox"/> Kompyuter (internet) <input type="checkbox"/> Boshqa _____
17.	Sayohatning nimasi sizni ko'proq jalb qiladi?	<input type="checkbox"/> Yangi odamlar bilan uchrashish <input type="checkbox"/> Yangi joylarni ko'rish <input type="checkbox"/> Dam olish <input type="checkbox"/> Muhitning o'zgarishi <input type="checkbox"/> Tadbirlarda qatnashish <input type="checkbox"/> Boshqa _____
18.	Sayohat qilishga qaysi fursat(vaqt)ni tanlar edingiz?	<input type="checkbox"/> Qishki ta'til <input type="checkbox"/> Hafta kunlari <input type="checkbox"/> Dam olish (shanba, yaksh) kunlari <input type="checkbox"/> Bayramlar <input type="checkbox"/> Yozgi ta'til <input type="checkbox"/> Boshqa _____
19.	Sayohat qilishga sizga nima to'sqinlik qiladi?	<input type="checkbox"/> vaqtning yetishmasligi <input type="checkbox"/> mablag' ajrata olmaslik <input type="checkbox"/> bolalar (nuroniylar) <input type="checkbox"/> xavfsizlik <input type="checkbox"/> xoxishning yo'qligi <input type="checkbox"/> yangicha turmahsulotlarning kamligi <input type="checkbox"/> ma'lumotlarning yetarli emasligi <input type="checkbox"/> an'anaviy to'siqlar <input type="checkbox"/> boshqa _____

20.	Hududingizda yoshlar turizmini rivojlantirishda birinchi navbatda qaysi infratuzilmani yaxshilash kerak deb hisoblaysiz?	<input type="checkbox"/> Yo'l <input type="checkbox"/> Transport <input type="checkbox"/> Turar joy <input type="checkbox"/> Ovqatloantirish korxonasi <input type="checkbox"/> Reklama <input type="checkbox"/> Boshqa _____
21.	Sayohat qilishni rejalashtirishda muhim manba nima deb o'ylaysiz? (Qaysi manbaga ko'proq tayanasiz)	<input type="checkbox"/> Turistik firmalar <input type="checkbox"/> Ko'chadagi reklama <input type="checkbox"/> Internet <input type="checkbox"/> Televidiniya <input type="checkbox"/> Jurnal va gazeta <input type="checkbox"/> Do'stlar va oila a'zolari <input type="checkbox"/> Boshqa _____
22.	Sayohat yo'nalishini tanlashda ko'proq nimaga e'tibor berasiz?	<input type="checkbox"/> Jismoniy qoniqish - (sport, musobaqa sog'liqni tiklash, avtoturizm) <input type="checkbox"/> Emotsional (hissiy) qoniqish - (dam olish, xordiq chiqarish) <input type="checkbox"/> Intellektual (aqliy) qoniqish – (bilish, o'rganish, izlanish). <input type="checkbox"/> Boshqa _____
23.	Mamlakat bo'ylab qayerlarda sayohat qilishni xoxlar edingiz?	<input type="checkbox"/> Toshkent <input type="checkbox"/> Samarqand <input type="checkbox"/> Buxoro <input type="checkbox"/> Navoiy <input type="checkbox"/> Xorazm <input type="checkbox"/> Qashqadaryo <input type="checkbox"/> Surxondaryo <input type="checkbox"/> Jizzax <input type="checkbox"/> Qoraqalpog'iston <input type="checkbox"/> Farg'ona vodiysi

Qo'shimcha fikr mulohazangiz: _____

Qimmatli vaqtingizni ayamasdan savollarga to'g'ri javob berganingiz uchun sizga yana bir bor o'z minnatdorchiligimni bildiraman. Umid qilamanki bergan javoblaringiz kelgusida turistik xizmatlar samaradorligini oshirishda yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

I. O'zbekiston Respublikasi qonunlari

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. –T.: O'zbekiston, 2014 y.
2. O'zbekiston Respublikasining “Turizm to'g'risida”gi Qonuni (1999 yil 20 avgust). O'zbekistonning yangi qonunlari. – T.: Adolat, 2000 y.
3. O'zbekiston Respublikasining “Oilaviy tadbirkorlik to'g'risida”gi Qonuni (2012 yil 26 aprel).

II. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonlari va Qarorlari

1. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentining 1999 yil 30 iyundagi “O'zbekistonda turizm sohasi uchun malakali kadrlar tayyorlash to'g'risida”gi Farmoni// “Lex.uz”.
2. O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidentining 1997 yil 31 martidagi “Xalq amaliy san'ati va badiiy hunarmandchiligini rivojlantirishni davlat yo'li bilan qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoni// “Lex.uz”.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 2 dekabrda “O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF-4861-sonli Farmoni// “Lex.uz”.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida”gi PF-4947-sonli Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 6-son, 70-modda
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 17 noyabrda “Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni har tomonlama qo'llab- O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 2 dekabrda quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF-5242-sonli Farmoni.
6. “O'zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida”gi PQ-2666-sonli Qarori//“Lex.uz”.

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 16 avgustdagi "2018-2019 yillarda sayyohlikni rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari to'g'risida" gi PQ-3217-sonli Qarori//“Lex.uz”.

8. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Chorvoq" erkin turistik zonasini barpo etish to'g'risida 2017 yil 5 dekabrda PF-5273-son Farmoni//“Lex.uz”

9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 7 yanvardagi . "Ichki turizmni jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3514-sonli buyrug'i//“Lex.uz”.

10. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 3 fevraldagi «O'zbekiston Respublikasi turizm salohiyatini rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida»gi PF-5326-sonli Farmoni// “Lex.uz”

11. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 5 yanvardagi “O'zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi PF-5611-son Farmoni//“Lex.uz”.

III. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1995 yil 3 iyundagi “O'zbekiston Respublikasida xalqaro turizmning zamonaviy infratuzilmasini barpo etish to'g'risida”gi 210-sonli Qarori.

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1998 yil 8 avgustdagi “Sayyohlik tashkilotlari faoliyatini tashkil etishni takomillashtirish to'g'risida”gi 346-sonli Qarori.

3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi 2009 yil 29 iyuldagi “Yuridik shaxs tashkil etmasdan oilaviy tadbirkorlikni hamda hunarmandchilik faoliyatini rivojlantirish va kengaytirish chora tadbirlari to'g'risida”gi 216-sonli Qarori.

4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002 yil 2 sentyabrdagi "O'zbekiston Respublikasida mehmonxona biznesi va xalqaro turizmni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 310-sonli Qarori.

5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6 apreldagi "Turizm faoliyatini litsenziyalash to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 189-sonli Qarori.

6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 2 sentyabrdagi "Farg'ona viloyatining Marg'ilon, Qo'qon shaharlari va Rishton tumanida hunarmandchilikni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 687-sonli Qarori.

7. "O'zbekiston respublikasida turizm sohasini yanada qo'llab-quvatlash va rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida"gi 2017 yil 15 mart 137-sonli Qarori.

IV. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti ma'ruzalari

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: "O'zbekiston" NMIU, 2017. – 29 b.

2. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – T.: "O'zbekiston" NMIU, 2017. – 47 b.

3. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: "O'zbekiston" NMIU, 2017. – 485 b.

V. Mamlakatimiz va xorijiy olimlarning adabiyotlari

13. Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. Darslik. – T.: "Fan va texnologiya", 2018 y.

14. Tuxliev N., Abdullaeva T. Formalnosti v sisteme turizma Respubliki Uzbekistan - T: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2007.

15. Tuxliev N., Abdullaeva T. Menedjment i organizatsiya biznesa v turizme Uzbekistana. – T.: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 2006.

16. Tuxliev N., Abdullaeva T. Natsionalnie modeli razvitiya turizma –T.: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 2006.
17. Tuxliev N., Abdullaeva T. Osnovi bezopasnosti v turizme. –T.: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, 2008.
18. Tuxliyev I.S., Hayitboyev R., Safarov B.Sh., Tursunova G.R. Turizm. Darslik. – T.: “Fan va texnologiya”, 2014. – 389 b.
19. Tuxliyev I.S., Qudratov G'.H., Pardaev M.Q. Turizmni rejalashtirish. Darslik. – T.: «Iqtisod-moliya» 2010 – 263 b.
20. Tuxliyev I.S., Ibadullaev N.E. Turizm operatorlik xizmatini tashkillashtirishning asoslari. O'quv qo'llanma. – S.: SamISI, 2011.– 256 b.
21. Hayitboev R., Haydarov S., Abduxamidov S., Daminov M., Xamitov M. Turizm marshrutlarini ishlab chiqish. O'quv qo'llanma. – S.: SamISI, 2016.-176b.
22. Mamatqulov X.M. Turizm infratuzilmasi. O'quv qo'llanma. – T.: «O'zbekiston faylafuslar jamiyati» nashriyoti, 2011.-273b.
23. Tuxliyev I.S, Qudratov G'.H., Turizm iqtisodiyoti. –S.: SamISI, 2007.
24. Tuxliyev I.S., A.B.Bektemirov, Z.I.Usmanova. Turizmda strategik marketing. O'quv qo'llanma. – S.: SamISI, 2010 y.- 144 b.
25. Juxova V.V., Rimskaya T.G. Turopereyting: Uchebnoe posobie. / Rimskaya-Naxodka: filial FGBOU VPO «VGUES» v g. Naxodke, 2014. – 128 s.
26. Il'ina E.N. Turopereyting: organizatsiya deyatelnosti. Uchebnik. – M.: Finansy i statistika, 2008. – 256 s.
27. O'zbekiston Respublikasi Statistika Qo'mitasining “Osnovie pokazateli razvitiya turizma i otdixa v respublike Uzbekistan v 2016 godu” nomli statistik byulleteni ma'lumotlari.
28. Fillipovskiy E.E., SHmarova L.V Ekonomika i organizatsiya gostinichnogo xozyaystva. Uchebnoe posobie.-M.: FiS, 2006.
29. Dr. Sampad Kumar Swain. Travel Agency and Tour Operations Management/ Dept.of Tourism & Hospitality, Indira Gandhi National Tribal University. Amarkantak. – 2014. – 304 p.

30. Mr. Alan Saffery, Ms. Michelle Morgan, and Mr. Otgonbaatar Tulga. The business of inbound tour operators/ Of the United States Agency for International Development or the United States Government.-2007. – 77 p.

31. Charles A. Goeldner, J.R. Brent Ritchie. Tourism principles, practices, philosophies, New Jersey, John Wiley & Sons, 2012. – 514p.

32. Tuxliyev I.S. va boshqalar. “O’zbekistonda turizm xizmat bozorini rivojlantirishning ijtimoiy – iqtisodiy muammolari” nomli monografiya. T.: “Iqtisodiyot” 2012.

33. Raximov Z.O., Xaitboyev R., Ibadullayev N.E., Safarov B.Sh., Turopereyting. O’quv qo’llanma. – T.: “Fan va texnologiya”, 2018. - 300 b.

34. Amriddinova R.S., Raximov Z.O., Aliyeva M., Ibadullayev N.E., Abduxamitov S.A. Mehmonxonalarda xodimlar faoliyatini boshqarish O’quv qo’llanma. – T.: “Fan va texnologiya”, 2018. - 300 b.

35. Safarov B.Sh. Mintaqaviy turizm xizmat bozorining iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish // Monografiya. - Toshkent: «O’zbekiston milliy ensiklopediyasi» davlat ilmiy nashriyoti, 2013. - 150 bet.

36. Safarov B.Sh. Milliy turizm xizmatlar bozorini innovatsion rivojlantirishning metodologik asoslari // Monografiya. - Toshkent: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2016. - 184 bet.

37. Safarov B.Sh. Milliy turistik xizmatlar bozorini innovatsion rivojlantirishning metodologik-uslubiy asoslarini takomillashtirish /dis... i.f.d. Samarqand-2016.

38. Ibadullayev N.E. Turistik resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish imkoniyatlari (Samarqand viloyati misolida)/dis... i.f.n. Samarqand-2010.

39. Raximov Z.O. Turizm destinatsiyalarida strategik rejalashtirishning tashkiliy mexanizmini takomillashtirish (Samarqand shahri misolida) /dis... i.f.n. Samarqand-2012.

40. Amriddinova R.S. Mehnat resurslarini boshqarish asosida turizm xizmatlarining raqobatbardoshligini oshirish yo'llari (Samarqand viloyati turizm korxonalarini misolida) /dis... i.f.n. Samarqand-2012.

41. Alimova M.T. "Hududiy turizm bozorining rivojlanish xususiyatlari va tendensiyalari (Samarqand viloyati misolida)". Iqtisodiyot fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiyasi. 2017 y.

42. Norqulova D. "O'zbekistonda sotsial turizm xizmatlarini rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish" mavzusidagi iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (doctor of philosophy) dissertatsiyasi. 2018 y.

43. Usmanova Z.I. "O'zbekistonda turistik - rekreatsion xizmatlarni rivojlantirish xususiyatlari va tendensiyalari" iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (doctor of philosophy) dissertatsiyasi. 2018 y.

VI. Internet saytlari

1. www.gov.uz – O'zbekiston Respublikasi Davlat hokimiyati portali
2. www.lex.uz – O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi.
3. www.press-service.uz – O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Matbuot xizmati rasmiy sayti
4. www.mfer.uz – O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiya va savdo Vazirligining rasmiy sayti
5. www.uza.uz – O'zbekiston milliy axborot agentligi rasmiy sayti
6. www.review.uz – "Ekonomicheskoe obozrenie" jurnalining rasmiy sayti
7. www.cer.uz – Iqtisodiy tadqiqotlar Markazining rasmiy sayti
8. www.uzreport.com – biznes axborotlari portali
9. www.yeurasianews.com – Yevro-Osiyo tadqiqotlar Markazining rasmiy sayti
10. www.ziyonet.uz – Milliy kutubxona portal

